Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 182 (20. 150) • 1988 йил 10 август, • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КОСМИК ВАХТАДА

Учишни бошқариш марказн, 9 август. (ТАСС). Владимир Титов билан Муса Манаров «Прогресс-37» автомат транспорт кемасидаги ишларни ниҳоясига етказмоқдалар. Бугун космонавтлар юкларни тушириб олишда якунловчи ишларни бажарадилар ҳамда кеманинг бўшаб қолган бўлмасини ишлаб бўлган ускуналар билан тўлдира бошлайдилар.

Станциянинг бирлашган мотор қурилмаси бакларига ёқилғи ҳайдаш давом этмоқда. Бу ишлар учишни бошқариш марказидан берилаётган командаларга мувофиқ бажарилмоқда ва экипаж томонидан назорат қилинмоқда.

«Прогресс-37» кемасининг моторларидан фойдаланиб, учувчи бошқарадиган «Мир» комплексининг орбитаси тўғрилаб қўйилди. Ҳозирги вақтда унинг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзидан энг кўп олислиги — 375 километр;
— Ер юзидан энг кам олислиги — 355 километр;
— Айланиш даври — 91,6 минут;
— Оғиши — 51,6 градус;

Телеметрик ахборот маълумотларига ва экипажнинг докладларига кўра учиш нормал ўтмоқда. Владимир Титов билан Муса Манаров ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

«Ҳосил—88»: «Дала—редакция» телефон линиясида

СУЮНИШ ВА КУЮНИШ

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз сабзавоткорларининг бу йилги режалари юксак, ишлари баракали, одимлари дадил. Картошка, помидор, бодринг, сабзи, пиёз, патисон ва бошқа турли хил дала неъматлари етиштираётган хўжалик деҳқонлари эл-юрт дастурхонига ҳар қачонгидан кўп маҳсулот етказиб бера бошладилар.

— Телефонда колхоз партия ташкилотининг секретари М. ЁҚУБОВ:

— КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларида совет кишиларини мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи **«...жамиятимиз турмушининг энг нозик жиҳати, энг ўткир муаммоси»** деб таъкидлаб ўтилди. Буни қалбдан ҳис этган хўжалигимиз сабзавоткорлари шу кунларда аҳолига турли хил ноз-неъматларни пешма-пеш жўнатиб турибдилар. Чунончи, 80 гектар майдонга экилган картошкадан ҳозиргача пландаги 710 тонна ўрнига 772 тонна маҳсулот олинди. Помидор тошириш қизғин бормоқда. Бултурги 7 гектарли помидор майдонлари 18 гектарга кенгайтирилгандан сўнг бу борадаги планимиз ҳам ошиб, 180 тоннадан 350 тоннага етказилди. Ҳозиргача унинг 200 тоннаси аҳолига тортиқ қилинди.

Бодринг, патисон етиштириш топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Сабзи, пиёз, бақлажон ва ҳар хил кўкатлар тошириш жадал кетмоқда.

Ана шу экинлар етиштирилаётган майдонларда 230 та оилавий пудратчи бригада меҳнат қиляпти. Айни пайтда улар 630 гектар ерда 9 та пахтачилик бригадасига ҳам уюшиб, мўл ҳосил учун кураш олиб боряптилар. Ғанижон Ниёзов, Холдор Бойқўзиев каби оилавий ва коммунист Эрмуҳаммад Оқчибоев, Йўлчибой Исмоилов, Муҳаммаджон Норматов бошлиқ сабзавотчилик бригадалари коллективлари мусобақада пешқадам.

Бригада бошлиғи Э. ОҚЧИБОЕВ ҳикояси:

— Коллективимизда 65 киши ишлайди. Улар учун далада қулай меҳнат шароити яратиб берганмиз. Шийпонларда иссиқ овқат, чой уюштирдик. Радио, газета-журнал —ҳаммаси бор. Бугунгача 6 гектар картошка майдонидан 78 тонна, 4 гектарли помидордан 92 тонна, 2 гектар ердаги бодрингдан 14 тонна ҳосил олдик. Патисон, бақлажон етиштириш топшириқлари барвақт адо этилди.

МУАЛЛИФ ИШАРҲИ:

Партком секрезари ҳам, бригада бошлиғи ҳам, қоларверса, биз билан суҳбатда бўлган хўжаликнинг бошқа дала меҳнаткашлари ҳам фақат эришилган ва эришилаётган ютуқларни **суюниб** сўзлаш билангина чекланмадилар. Улар иш суръати ва сифатига салбий таъсир қилаётган айрим муаммолар, аниқроғи, етишмовчиликлар ҳақида ҳам **куюниб** гапириб беришди.

Масалан, сабзавоткорлар Янгийўл консерва заводи қабул пунктида маҳсулот топшириш пайтлари узоқ вақт навбат кутиб қолишяпти. Бу — табиийки, маҳсулотлар сифатининг бузилишига, баъзан уларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Устига-устак транспорт турлари банд бўлиб қолиб, далада тўпланган хом ашёни вақтида етказиб беришолмаяпти, машина, трактор, тележкалар етишмаётир.

Яна бир муаммо: хўжалик ҳар йили қиш пайтлари ва эрта баҳорда махсус плёнкаларга муҳтожлик сезмоқда. Агар у етарли бўлганда эди, сабзавоткорлар шаҳарликлар дастурхонига ҳар қачонгидан кўп турли хил дала ноз-неъматлари етказиб берган бўлардилар.

Ўйлаймизки, гап эгасини топиб олади. Райондаги ва областдаги тегишли ташкилотлар, мутасадди раҳбарлар ҳамда етакчи мутахассислар бундай муаммолар ечимида хўжалик деҳқонларига амалий ёрдам беришади.

Материали линияга «Совет Ўзбекистони» газетаси ишчи-қишлоқ мухбирлари мактабининг тингловчиси Д. ЗОКИРОВА узатди.

АВГУСТ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ!

Август ойининг дастлабки ўн кунлиги тугаб боряпти. Пахтазорларда ҳосил тўплашнинг ғанимат кунлари келди. Унинг ҳар бир дамидан ишни кўзини билиб, самарали фойдаланган деҳқон ютади.

Тўғри, баҳор бу йил ҳам жойларда анча сермашаққат келди, дўл, жала, сел дегандек — табиий офатлар юз берди. Лекин пахтакорлар бўш келишмади, дуч келган қийинчиликларни астойдил меҳнатлари билан енгиб, катта майдонларда мўл ҳосилга ишончли замин яратиб қўйишди. Шу кунларда 2 миллион гектар атрофидаги кенг пайкалларда қизғин бунёдкорлик ишлари ва хўжалик йили юмушларн тобора мавжланиб боряпти. 5 миллион 250 минг тонналик «оқ олтин» масъулияти ҳар бир ўзбекистонликни қайта қуриш жабҳаларининг янги марраларига чорламоқда.

— Бу ҳолни Фарғона области далаларида яққол кузатиш мумкин, — деб хабар беради мухбиримиз А. Ибодинов. — Яқинда бу ерда тожикистонлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари бўлиб, мусобақадошлари ишларидаги ютуқлар ва камчиликларни рўй-рост кўрсатиб бердилар. Областда ғўза парваришн яхши ташкил этилган, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қизғин кураш олиб бораётган Киров, Фрунзе, Бувайда, Қува ва Фарғона районларидаги хўжаликларни ҳозир номма-ном санаб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Аммо Риштон, Ёзёвон ва бошқа баъзи районлардаги айрим колхоз ва совхозларнинг пахтазорларида турли хил ҳашаротлар пайдо бўлганини, жойларда сув етарли бўлишига қарамай ундан омилкорлик билан фойдаланилмаётганлигини, айниқса, табақалаб чеканка қилиш муддатлари чўзилиб кетаётганлигини қайд этмоқ лозим...

Мухбиримизнинг фикри фарғоналик пахтакорлар ишини жиддий кузатувдан сўнг холисона баҳолаган тожикистонлик мусобақадошлар фикри, албатта. Бундай ўзаро текшириш бригадалари яқинда республикамизнинг ҳамма областларида дала кездилар, маслаҳат бердилар, таъкид қилдилар. Масалан, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР пахта далаларини текшириш нималарни кўрсатди! Камдан-кам истисноларни айтмасак, кўпчилик колхоз ва совхозларда авжи паст, ҳосил нишонлари кам, пояси нимжон ғўзалар бор. Бу йил сув нисбатан яхши бўлишига қарамай — чанқатиб қўйилган, ҳашарот заҳарлаган, кўчатлар сони сийрак ёки «ола» бўлиб қолган карталар ҳам йўқ эмас.

Вазият август ойи ичи ҳар бир пайкални синчиклаб кўздан кечиришни, ғўзаларнинг ҳосил тўплашга қараб табақалаб парваришн ўтказишни ва чеканкани тез кунлар ичидаёқ тугаллашни тақазо этмоқда. Бунинг учун органик ўғитлар даставвал «шарбат» ҳолида кам ҳосилли ғўзаларга оқизилмоғи, зараркунандалар қириб ташланмоғи, парвариш суръати ҳар қачонгидан кучайтирилмоғи керак. Область, район, колхоз ва совхозларнинг мутасадди раҳбарлари, катта-кичик ҳамма мутахассислари вазифаси — шу!

Зеро, шу кунларда ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши кўзга уч хилда ташланмоқда. Катта майдонларнинг ғўзаси биринчи ва иккинчи ярусларда етарли миқдорда ҳосил нишонлари тўплади, энди учинчи ярусга зўр беряпти. Ўрта даражадаги ғўзалар ҳам анчагина майдонни ташкил этади. Уларни юқори ҳосилли ғўзалар даражасига етказиш шарт. Айни кезда ҳануз авжи паст, ҳосил нишонаси кам ғўза майдонлари ҳам йўқ эмас. Аммо аҳволни тузатмоқ ва ўнгламоқ учун вақт бор. Шу ойнинг ғаниматкунларида бирор киши, бирорта техника воситаси пайкалдан чиқиб кетмаса, парвариш ўтган ҳафталардаги каби жадал давом эттирилса кўзланган мақсадга эришилиши, шубҳасиз.

Шу ўринда баҳор чоғи республикамиз агросаноат комплекси ходимларининг қурултойида бўлиб ўтган маърузаларни ҳам эслаш жоиздир. Эсингизда бўлса, «...пахтачиликдаги аҳволимиз оғир, ҳатто айтиш мумкинки, анча мураккаб ва мушкул. Буни тан олмай иложимиз йўқ» дейилган эди улардан бирида.

Чиндан ҳам шундай. Беш йилликнинг ўтган икки йилида давлатга 1 ярим миллион тоннадан зиёд пахта кам топширилди. Энг катта қарздорлар: Қашқадарё области 400 минг, Самарқанд — 246 минг, Андижон — 221 минг тонна хом ашёни етказиб беришмади. Избоскан, Жиззах, Шаҳрисабз, Оқдарё, Иштихон районлари пахта сотиш планларини сурункасига бажармай келишмоқда. 106 район, 911 колхоз ва совхоз маррага етмади. Республика бўйича ҳар гектардан олинган ҳосил бор йўғи 23 центнер бўлди. Майдонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғида ҳосилдорлик гектар бошига 15-20 центнер ўртасида қолди. Айрим хўжаликларда ҳатто 8-13 центнер пахта етиштирилди. Инсоф билан айтинг, орияти бор одам — буни ернинг умрини беҳуда ўтказиш, сувни бекорга оқизиш, ўғитни ҳавога совуриш, техниканн мақсадсиз юргизиш, маблағни кўчага ташлаш деб баҳоламайдими?!

Вазифа — тармоқни бу йил ўпирилишидан олиб чиқмоғимиз, планда белгиланган «оқ олтин»ни муқаррар етиштиришни виждоний ишимиз, интернационал бурчимиз деб, билмоғимиз зарур. Ватан, партия ва халқнинг кутгани ҳам, талаби ҳам — шу!

Ана шундай аччиқ сабоқларга қарамай, ҳануз қатор район партия комитетлари хотиржам, район ижроия комитетлари хотиржам, ранс, директор, партия комитетлари секретарлари хотиржам. Гўё улар ўзларини фавқулодда ҳолат содир бўлмагандай, қолоқликка тушиб қолмагандай сезишяпти. Ҳолбуки, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларида қайта-қайта уқтирилганидек, эндиликда хотиржамлик, бегамлик кетмайди, бу ҳоллар қайта қуриш даври табиатига тўғри келмайди!

Республика Давлат агросаноат комитетининг етакчи мутахассисларидан олинган мана бу ташвишли маълумотларга эътибор беринг: Қораўзак, Жалолқудуқ, Задарё, Гагарин районларида катгина майдонларда тўпланган ҳосил нишоналари талабни қондирмайди, авжи паст ғўзалар кўп, айрим пайкаллар бегона ўтлардан тозаланмаган, бунинг устига ҳосил тақдирини ҳал қилувчи кишилар ва техника воситаларн дала ишларига тўла сафарбар этилмаяпти. Ғўзанинг кўкига қараб мағрурланиш, ҳосил чўғини ҳисобга олмаслик ҳоллари юз беряпти. Механизаторлар кунлик культивация ўтказиш, эгат олиш, дори сепиш графикларини бажармаётирлар. Жойларда культиваторларга тўсиқлар, муҳофаза воситалари ўрнатилмаган. Ремонтга тўхатилган, бошқа сабабларга кўра пайкаллардан чиқиб кетган техника воситалари изига қайтарилмаётир. Машина теримига ажратилган майдонларнинг ғўзаси парваришига алоҳида эътибор йўқ. Мутахассислар машина терими олдидан ғўза баргини тўктириш тайёргарлигига ҳали киришмадилар.

Бу йил ғўза дефолиациясини фақат ва фақат ер усти аппаратлари ёрдамида ўтказиш ҳақида кўп гаплар бўляпти. Афсуски, Бухоро, Навоий, Фарғона областлари ва Қорақалпоғистон АССР да бу гаплар ҳали конкрет иш билан мустаҳкамланяпти, деб бўлмайди. Дефолиацияни самолётлар ёрдамида ўтказиш илгари осон эди, албатта. Лекин хўжаликларнинг раҳбарлари эндиликда атроф-муҳитнинг мусаффолиги ва қишлоқ аҳолисининг соғлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўрадиган пайт келди.

Хўжаликларнинг раҳбарлари ғўза парваришини сусайтирмаган ҳолда ҳозирданоқ ҳосил йиғим-терими стратегияси ва тактикасини пухта ишлаб чиқмоқлари, мавсумни ҳар жиҳатдан шай бўлиб кутиб олиш учун барча резервларни ишга солмоқлари лозим. Токи, ишимизнинг салмоғи ва якуни қардош пахтакорлар — мусобақадошларимиз талаблари даражасида бўлсин. Уларнинг ошкора танқиди, билдирган фикр ва нсткалари ҳар бир пахтакорга ўрганиш ва ўргатиш мактаби бўлсин. «Дўстлар маслаҳати — олтиндан қиммат» дейдилар.

Шуни унутмаслик керакки, яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Советида пахтакор республикалар ўзаро текшириш бригадалари вакиллари таъкидлаганидек «агар ҳозир пахта далаларидаги нобудгарчиликлар йўлига ғов солинмаса, миллионлаб кишиларнинг мана шу бутун меҳнати беҳуда кетиши мумкин; айни шу август кунлари зарбдорларча ишлаш учун бутун чора-тадбирлар комплексидан, меҳнат коллективларининг барча имкониятларидан фойдаланиш лозим».

Республикамиз деҳқонлари қурултойида алоҳида пафос билан айтилганидек, «Илғорлар қўпайсин, қолоқлар қолмасин!» деган ният ишимизда жанговор шиорга айлансин! Қайта қуришнинг талаби ҳам шу.

● МИРЗАЧЎЛ ДЕҲҚОНЛАРИ!

● Қардош республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари вакиллари таъкидлаганларидек, ғўза парваришида илғорлик қилаётган Ульянов, Комсомол, Шуманай, Сариосиё, Ленин йўли, Ленин, Бувайда районлари механизаторлари тажрибасидан ўрнак олинг.

● МЕХАНИЗАТОР ҮРТОҚЛАР!

● Ҳосил тўплаш йўлидаги муҳим агротехник тадбирларни жадал давом эттириб, терим техникаси ремонтини ва дефолиация ўтказиш учун зарур бўлган барча тайёргарлик ишларини кучайтиринг.

● ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!

● Қардош ҳамкасблар маслаҳатлари ва тажрибалари муштарак мақсаду маслакларимизга хизмат қилсин.





Машинабоп қилиб

Навоий районидаги «Нарпай» совхози деҳқонлари бу йил ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олишга аҳд қилишган. Шу мақсадда ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилянти. Пайкалларга сифатли ишлов берилмоқда. Суратларда: хўжаликнинг илғор механизатори Ғулом Ҳожиев ва чеканка пайти.

В. Молгачев фотолари.

• *Ташвишли сигнал*

Нега шошилишмаяпти?

Йиғим-терим олдидан ўтказиладиган сўнгги тадбир — ғўза баргини тўктириш бошланишига оз вақт қолмоқда. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида эса ОВХ—28 агрегатларининг учдан бир қисми ҳали ишлатишга тайёр эмас. Пахта ва кўрак терадиган машиналар ремонтида ҳам аҳвол ана шундай, бундай агрегатларнинг 70 процентигина мавсумга тайёрлаб қўйилди.

Афсуски, кўпгина хўжаликларда манзара ана шундай. Бунинг сабаби ҳамма жойда бир хил: ремонт бригадалари ремонтчилар билан тўлдирилмаган, ишнинг бориши тегишлича назорат қилинмайди. Одамлар маънавий ва моддий манфаатдор қилинмаган, уларнинг меҳнати тўғри ташкил этилмаган.

Республикада пахта териш техникасини августнинг биринчи ярмида мавсумга шай қилиб қўйиш одат тусига кирган. Аммо Свердлов номли колхоз учун ана шу хўжалик раҳбарлари бу муддатни бир-бир ярим ойча орқага сурмоқдалар. «Социализм», «Гулистон», «Красний Октябрь» колхози, «Шўраўзак» совхозлари ва бошқа баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам ишни пайсалга солмоқдалар.

Текшириш ўтказган халқ назоратчилари мавсумга тайёргарлик муддатини кечиктираётганлар ишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётганликларини, тарки одат амри маҳол деганларидек, мавсум бошланганда ташқаридан ёрдам кўрсатилишига умид боғлаётганликларини таъкидлаб ўтдилар.

Г. ОГОРОДОВ,
ЎзТАГ мухбири.
Сирдарё области.

Сўз—ғўза парвариши илғорларига

Барча совет кишилари қатори биз ҳам XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларини зўр қизиқиш билан ўқиб, ўрганяпмиз. Қишлоғимизда конференция якунларига бағишланган қизиқарли суҳбатлар ўтказилди. Эркин, ошкора мулоқот чоғида пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича таклифлар ўртага қўйилди. Қишлоқда қайта қуриш ва демократияни чуқурлаштиришга ҳисса қўшиш йўл-йўриқлари ҳақида келишиб олинди.

ҲАМ ПАРВАРИШ, ҲАМ ТАРАДДУД

Пахтакорларимиз бу йил давлат омборига 4148 тонна ўрнига 4742 тонна «оқ олтин» тўкиш, 1248 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,5 центнер ўрнига 38 центнердан хирмон кўтаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Ялпи ҳосилнинг асосий қисмини уруғликка топшириб, қолганини машиналарда териб оламиз.

Бу йил барча майдонга биринчи марта «Андижон —13» навли пахта экдик. Районимиз бўйича эса 3,5 минг гектар майдонга шу нав экилди. Ўтган йили Андижон области бўйича салкам беш минг гектар майдонга мазкур нав пахта экилиб, бошқа навларга нисбатан кўпроқ ҳосил олинган. Олтинкўл районидаги Навоий номли колхоз районнинг ўртача кўрсаткичидан 5 центнер кўп пахта етиштирди. Ленин районидаги «Ўзбекистон» колхози ҳам юқори кўрсаткичга эришди.

У тўртинчи тип тола беради, унинг узунлиги 35 миллиметр, тола чиқиши 37 процент. Ҳар гектар ерда ўртача 80 минг туп кўчат қолдириш керак. Чунки ғўза кенг шохлайди, бўйи эса баланд. Ҳар бир ҳосил шохи 4-5 тадан кўсак олиши ва бу кўсаклар пишиб етилиши мумкин. Кўсаклар бўлиқ, яхши очиладн. Чаноқлардан пахтани териб олиш осон, ерга тўкилмайди. Захлатиб суғорилса ғов лаб кетади. Агар чанқатиб қўйилса, ҳосил тугунчаларини ташлаб юборади.

Шунинг учун биз унинг агротехникасини пухта ўргандик. Уруғни чигит суви билан текис ундириб олдик. Биринчи сувни ғўза гуллаганда бердик. Қўш эгат қилиб, оз миқдорда сув тарадик. Сувчилар масъулияти оширилди. Улар состави қайтадан кўриб чиқилди. Ҳозир далада 92 сувчи ишлаяпти. Ҳар бир сувчига 0,75 гектар норма белгиланган. Нормани ошириб бажарган сувчилар рағбатлантирилади. Мамасиддиқ Қорабоев, Муртазо Саъдуллаев, Отамирза Абдуллаев, Мирфозил Мираҳмедов каби уста сувчиларимиз ғўзага оби-тобида сув тарамоқдалар.

Ер етилиши билан чуқур культивация ўтказилиб, нам сақлаб қолинияпти. Бугунгача 4 марта культивация ўтказдик. Тупроқнинг майин, донадор бўлиб туришини таъминлаяпмиз. Бу ишда Турғунбой Усмонов, Қодиржон Зулфиқоров, Нўъмонжон Қўлдошев, Одилжон Қосимов каби механизаторларимиз жонбозлик кўрсатишяпти. Чопиқ тракторларининг ишчи органлари тўлиқ бўлиши, қатор оралариии кенгроқ қамраб олиши, чуқурликнинг белгиланган даражада бўлишидан соф азот, 100 килограммдан калий ва фосфор солдик. Иккинчи ва учинчи озиқлантиришда бир гектар ерга 210 килограммдан селитра, 120 килограммдан фосфор, 70 килограммдан калий бердик. 10 июлда озиқлантиришни тўхтатдик.

Шира тушган майдонлардаги ғўзани бир марта олтингугурт билан чангладик, биологик усулдан кенг фойдаландик. Ҳар гектар ерга 100 тадан «Олтинкўз» қўйдик. Улар қисқа муддат ичида ширани еб тугатдилар.

Бу йил хўжалигимизда ҳам, районимизда ҳам ғўзанинг авжи яхши, ўтган йилдагидан 10—12 кун илгари. Шунинг учун чеканкани эртароқ бошладик. Турсунбой Шокиров бошлиқ бригадада ғўза тўққиздан шох тараганда чеканка ўтказилди. Бу тажриба яхши самара берди. Ҳар туп ғўзада 10 тадан бўлиқ кўсак етилди. Шундан кейин колхозда чеканкани тезлаштириб, қисқа муддатда тугалладик. Бу ташаббус бутун районимизга кенг ёйилди.

Яқинда областимизга мусобақадош тожикистонлик пахтакорларнинг ўзаро текшириш бригадаси келиб кетди. Улар ғўзанинг ҳолатига яхши баҳо бериш билан бирга, бир қатор танқидий мулоҳазалар ҳам айтишди, дўстона маслаҳатлар беришди. Меҳмонлар қатор хўжаликларнинг далаларида одамлар, тракторлар кўринмаганлигидан ранжидилар.

Мусобақадошлар колхозимизнинг Тоштанбой Исҳоқов, Сотқинбой Абдуллаев, Облоқул Каримов, Козимжон Шодмонов бошлиқ бригадаларида бўлишиб, ғўза парвариши юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этилганини таъкидладилар. Колхозимизда ғўзанинг ривожи яхши, ҳар тупида 5—6 та бўлиқ кўсак бор. Лекин бу билан қаноатланиш мумкин эмас. Ҳар гектар ердан 38 центнердан хирмон кўтариш учун ҳар туп ғўзада камида 14—15та кўсакка эга бўлишимиз керак. Вазиятни ҳисобга олиб, август ойини ҳосилга ҳосил қўшиш ойи, деб эълон қилдик. Ўтган йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, август ҳосил тақдирини ҳал қилади, шу ойда қолоқ, кам шохли ғўзаларни юқори ҳосилли ғўзалар даражасига етказиб олиш ҳам мумкин. Аксинча, озгина бепарволикка йўл қўйилса, тўпланган ҳосил нишоналари қўлдан бой бериб қўйилади. Ғўза парваришини пахта терими бошлангунча давом эттирамиз.

Август ойининг биринчи ярмида йўллар, кўприкларни ремонт қилиб бўламиз, этаклар, тош-тарозилар, хирмонларни ҳам тахт қилиб қўямиз. Хуллас, теримни уюшқоқлик билан кутиб оламиз.

Яна бир муҳим масалага тўхталмоқчимиз. Қайта қуриш муваффақияти — энг авало, инсонга боғлиқ эканлиги XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида қайта-қайта янгради. Шунинг учун ҳам инсон омилига эътиборни янада кучайтиряпмиз. Дала меҳнаткашларига маданий-маиший, медицина, савдо хизматларини яхшилаяпмиз. Ҳар бир дала шийпони олдида оралиқ экинлари бор. Колхозимиз бу йил оралиқ экинлардан 16 минг 155 сўм даромад олди. Шундан 8825 сўми колхоз кассасига тушди. Қолган 7930 сўми иссиқ овқатга сарфланмоқда. Болали аёлларга ҳам ғамхўрликни кучайтирдик. Дала меҳнаткашларини моддий ва маънавий рағбатлантириб турибмиз. Колхозчилар эса ғамхўрликка амалий иш билан жавоб беряпмиз. Колхозимизда барча бригадалар пудрат асосида ишлашга ўтган. Ҳар ким ўз ишини билиб бажаряпти.

Мамашокир КОМИЛОВ,
Андижон область, Избоскан районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси.

Мамасоли ТЎХТАСИНОВ,
колхоз бош агрономи.

• Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

РАСМИЯТЧИЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Коммунистлар ундан кўп нарсани кутишганди. Афсуски бундай бўлиб чиқмади. Ҳатто колхоз партия ташкилоти секретари йиғилиш арафасида берган тўрт варақли умумий гаплардан иборат «доклад»ни ҳам ўқиб ёд олишга улгурмади. Унга ўзидан қўшиб бирор гап ҳам айтолмади. Ахир партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиши ҳақидаги хабарни ҳозир эшитиб турган бўлса, нимани ҳам айтсин. Шошиб қолганидан хаёлига ҳеч гап келмади. Бундай шошқалоқлик унга жуда қимматга тушди.

Нишон районидаги «Коммунист» совхозининг биринчи бўлими партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилиши коммунистларда деярли таассурот қолдирмади. Очиғини айтганда бир йиллик ҳисоботдан группа ташкилотчиси Р. Зойитовнинг ўзи ҳам қониқиш ҳосил қилмади.

Тўғри, Р. Зойитов деҳқончиликда катта тажриба тўплаган меҳнатсевар коммунист. Ўтган йили боғдорчилик бригадаси бошлиғи эди. Бу йил оилавий звенога бошчилик қилиб, 15 гектар ерда пахта етиштиряпти. Коммунистлар уни группа етакчиси қилиб сайлашганда ижтимоий ҳаётда актив қатнашади, ташкилий-сиёсий ишларни кучайтиради, деб умид қилишганди, Бироқ секретарь жамоат ишини, партиявий топшириқни ўз ҳолига ташлаб қўйди. КПСС аъзолари сафини ўстириш билан астойдил қизиқмади. Партия йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмади. Натижада коммунистлар активлиги сусайиб қолди. Бунинг ишлаб чиқаришга ҳам салбий таъсири тегди. Бўлим ўтган йили давлатга пахта сотиш планини уддалай олмади. 722 тонна ўрнига аранг 550 тонна пахта етиштирилди, йиллик план 69,5 процентда тўхтаб қолди.

Аммо қолоқлик сабаблари ҳақида докладда лом-мим дейилмади. Қайта қуриш ва янгиланиш қандай бораётгани тўғрисида ҳеч гап айтилмагани коммунистларни ажаблантирди. Бу бир сўз билан айтганда партиявий интизом ва талабчанлик бўшашиб кетганини кўрсатади. Совхоз партия комитети (секретари Э. Ҳайдаров) қуйи бўғинларга раҳбарликни таъминламаяпти, ишончни қаттиқ талабчанлик билан қўшиб олиб бормаяпти. Айниқса, группалар фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Музокарада сўзга чиққан уч коммунист бу тўғрида қисман тўхталиб, докладдаги камчиликларни тўлдиришга ҳаракат қилдилар. Жумладан, 3-бригада ишчиси А. Азизов, 1-бригада бошлиғи Т. Умаров, меҳнат ветерани А. Орзиқуловлар партия группаси обрўсини ошириш, группа ташкилотчисининг ишчи-коммунистлар билан алоқасини мустаҳкамлаш лозимлигини уқтирдилар. Йиғилишда 1-бригада бошлиғи Т. Умаров группа ташкилотчиси қилиб сайланди.

Лекин ҳисобот йиғилиши, гарчи унда совхоз партия ташкилоти секретари Э. Ҳайдаров билан бирга райкомнинг икки инструктори — Б. Норбўтаев ва Ш. Салоевлар қатнашган бўлсалар ҳам йиғилишдай ўтмади. Тўғриси улар йиғилишнинг жонли, ошкора баҳс-мунозара тарзида ўтишини таъминлай олмадилар. Йиғилишга шошқалоқлик билан тайёргарлик кўрилгани ҳам сезилиб турди. Доклад ҳам, музокарада сўзга чиққанларнинг нутқлари ҳам одатдагидан фарқ қилмади.

Хўш, совхозда ва бўлимда тилга олинганидек муаммолар, коммунистларни қизиқтираётган масалалар озми? Хўжалик социал-иқтисодий ривожланишда Қашқадарё областида энг қолоқ коллективлардан бири ҳисобланади. Турғунлик давридан мерос бўлиб қолган 14 миллион сўмлик камомаднинг фақат 1 миллион 200 минг сўмидан аранг узилганлиги ачинарли ҳол. Қўриқ совхозда ишчи кучи кам. 680 ишчининг ҳар бирига 8 гектардан суғориладиган майдон тўғри келмоқда. Айниқса, механизатор кадрлар етишмайди. Нега? Бир сўз билан айтганда уй-жойлар кам. Марказий поселкада эса турар жойлар қурилиши жуда суст. Ишчи кучи сафларини ўстириш муаммолигича қолаётганининг асосий сабаби ана шунда.

Хўжаликни юритишда чек системасига кўчилаётир. Бироқ бу янгилик дадиллик билан жорий этилаётгани йўқ. Партия группалари ҳисобот-сайлов йиғилишларида шу каби муаммолар чуқур таҳлил этилиши лозим эди. Бироқ йиғилишни ўтказишда эскича услуб устун кеяпти. Бу ҳам бўлса совхоз партия комитети ўз ишини қайта қуриб олмаётганини кўрсатади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Коммунист—қайта қуриш жонкуяри

ПУДРАТ АФЗАЛЛИГИ

Колоннамизнинг молиявий аҳволи жуда танг эди. Яқин ўн йил ичида бу ерда саккиз нафар бошлиқ ишлаб кетган бўлса, уларнинг аксарияти йўл қўйган камчиликлари ёки давлат мулкини ўзлаштирганликлари учун жавобгарликка тортилди. Кадрларнинг қўнимсизлиги, қўшиб ёзишлар, пландан ташқари объектлар қуриш ва бошқа турли сабаблар билан колонна ишлаб чиқариши обдон ишдан чиқди. Давлатдан кўп миқдорда қарздор бўлиб қолинди.

Бу танг аҳволдан қутилиш учун коммунистлар кўп изландилар. Бошланғич партия ташкилотининг йиғилишларидан бирида колоннада коллектив пудрати асосида ишлашга ўтиш лозим деган қарор қабул қилинди. Бироқ нимагадир бизнинг бу қароримиз юқори ташкилотларга маъқул тушмади. «Коллектив бўйнигача қарзга ботиб ётибди-ку, пудрат асосида иш юритиб бўларканми?» —дейишди улар. Бироқ коммунистлар ўз сўзларида қаттиқ туришди. Ўзаро маслаҳатлашиб Тошкентга вакил юборишга қарор қилдик. У ерда вакилимизга қурилиш ташкилоти қолоқ бўлса ҳам пудрат асосида ишлаши мумкин эканлигини тушунтиришди. Шундан сўнггина трестдагилар янги метод асосида иш юритишимизга рози бўлишди.

Коллектив пудрати асосида иш юритиш учун икки ой давомида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилди. Инженер-техник ходимлар, бригада бошлиқлари ва қурувчилар ўртасида меҳнатни ташкил этишнинг ушбу самарали формаси кенг пропаганда қилинди. Ниҳоят, 1987 йилнинг биринчи октябридан бошлаб пудрат асосида ишлай бошладик. Табиийки, ишларимиз ўз-ўзидан юришиб кетмади. Дастлабки ойда белгиланган қурилиш-монтаж ишлари планини зўрға 87 процент бажардик. Ноябрь ойида эса, бу кўрсаткичларимиз анча яхшиланди. Чунончи, ойлик план 115 процентга ўринланди, меҳнат унумдорлиги ошди.

Иш ҳақининг пировард натижага қараб тўланиши коллектив орасида меҳнатга муносабатнинг кескин ўзгаришига олиб келди. Интизом мустаҳкамланди, иш сифати яхшиланди. Характерли бир мисол: бригадалардан бирида тажрибали қурувчи прогул қилиб қўйди. Авваллари, бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирмасди. Энди эса бригада кенгаши бу масалани шундай қолдирмади. Кенгаш меҳнатда иштирок этиш коэффициентини тақсимлаётган пайтда унга кам иш ҳақи ёзди. Қурувчи мукофотдан ҳам маҳрум бўлди.

Айни кунларда коллективимиз пудрат асосида ишлашнинг афзалликларини яхши тушуниб олди. Ҳозир қурувчиларнинг ўртача ойлик маошлари 240-280 сўмни ташкил қилмоқда.

Янгича ишлашни кенг жорий қилиш учун ҳали кўпгина муаммоларни ҳал қилиш керак бўлади. Маълумки, пудратчи коллектив ишининг самараси қурилиш материалларининг вақтида етказиб берилишига боғлиқ. Афсуски, бу масалада биз таъминотчилар фаолиятидан хурсандмиз, деб айтолмаймиз. «Каракалпакстройиндустрия» трестининг Енбошқалъа ғишт заводи колоннамизни ғишт билан узлуксиз таъминлай олмаяпти. Шунингдек, трестнинг темир-бетон буюмлари заводи маҳсулотлари сифатсизлиги туфайли муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Менимча, қурилиш ташкилотларининг қуйи бўғинлари янги, прогрессив иш услубларини кенг жорий этиб, иш сифати ва самарадорлигини оширишга қанчалик интилмасинлар, агар уларни юқори ташкилотлар ва таъминот органлари ўз вақтида қўллаб-қувватламаса қурилишда бурилиш, ижобий ўзгариш содир бўлиши қийин. Шу боисдан ҳам барча қурилиш ташкилотларидаги коммунистлар аниқ мақсад йўлида қатъий ҳаракат қилиб, ҳар бир ишни охиригача етказишга интилиши зарур.

Бутуниттифоқ партия конференциясида бугунги кунда коммунистларнинг авангардлик роли иш билан исботланиши керак, деган талаб қўйилди. Зотан фаоллик, жонкуярлик ва фидойиликсиз турғунлик йилларида қарор топган кутиб туриш, масъулиятсизлик, хўжасизлик, ҳотиржамлик психологиясига барҳам бериш мумкин эмас.

Б. ТИЛЛАЕВ,
Тўрткўл районидаги 30-механизациялашган кўчма колонна бригада бошлиғи, район партия комитети аъзоси, ҚҚАССРда хизмат кўрсатган бинокор.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ДАЪВАТКОР НАТИЖА

Наманган газ ишлаб чиқариш бирлашмасида хўжалик ҳисоби амал қилиб, меҳнат унумдорлиги плани 11,8 процент орттириб бажарилди. 390 минг ўрнига 402 минг сўм соф фойда олинди.

Бирлашма шу йилнинг январидан тўла хўжалик ҳисобида ишлай бошлади. Бунга атрофлича тайёргарлик кўрилди. Янгича иш юритишнинг моҳияти одамларга чуқур тушунтирилди. Бирлашма меҳнат коллективи кенгаши мажлисида маъмурият тузган ишлаб чиқариш планига қатор тузатишлар киритилди. Жумладан, аҳолига пулли хизмат кўрсатадиган ёрдамчи цехлар ташкил этиш, соф фойданинг бир қисмини одамларнинг шароитларини яхшилашга сарфлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Хўжалик ҳисобининг амал қилиши энг аввало, аҳолига қулайлик туғдирмоқда. Хонадон соҳиби илгари уйини газлаштириш учун бир неча идораларга боришга, уларда навбатда туриб, маъмуриятчилик тўсиқларига дуч келар, ниҳоят кам деганда бир йилда иш битказарди. Бирлашма қошида хонадонларни газлаштириш бўйича алоҳида лойиҳаловчи группа тузилди. Кейин шу лойиҳа асосида ишловчи «Газчи» кооперативи иш бошлади. Бу хонадон эгаларидан тушган аризаларни узоғи билан бир-икки ойда бажаришдан ташқари, индивидуал уйларни газлаштириш плани орттириб бажарилишига ёрдам бермоқда. Областнинг барча районларида ана шу кооперативнинг филиаллари ишлаб турибди.

Республика областлари орасида биринчи бўлиб Наманган газ бирлашмасида хўжалик ҳисобида ишловчи қурилиш-монтаж участкаси тузилди. Участка йил сайин ўз қувватини ошириб бормоқда. Унинг кучи билан бирлашма Чуст районида ўзининг ғишт заводига эга бўлди. Йилига 2—2,5 миллион дона ғишт тайёрланяпти. Ғишт бирлашма маблағига қурилаётган уй-жой ва бошқа социал объектларда ишлатилмоқда. Энди йилига 500 ўрнига 1000 квадрат метр уй фойдаланишга топшириляпти.

Бирлашма Ахсикент шаҳарчаси қурилишида пайчи сифатида қатнашиб, объектни газлаштиришга ҳисса қўшяпти. Бунинг учун газчиларга олтита объект ажратилди. Йил бошида ташкил этилган «Қурувчи» кооперативи уйларни қуришга киришди. Кооператив қурувчилари бирлашма ишчи-хизматчиларининг уйларини ремонт ҳам қилиб бермоқда.

Шунингдек, бирлашма автобазасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш жорий этилди. Автобазада аҳолининг шахсий транспортини ремонт қиладиган цех иш бошлади. Илгари ишдан чиққан газ баллонлари рўйхатдан чиқарилиб, чиқиндига топширилган бўлса, эндиликда улардан турли буюмлар ясаб сотилмоқда.

Яқинда бирлашма коллективи ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. 130 ўринли санаторий-профилакторий ишга тушди. Эндиликда ишчи-хизматчилар 15 сўм тўлаб 24 кун мобайнида малакали муолажа олиш имконига эга бўлишди. Машҳур Чортоқ сувидан қолишмайдиган минерал сув газчиларга шифо бахш этмоқда.

Буларнинг ҳаммаси область газчиларини юксак унум билан ишлашга, меҳнат унумдорлигини ўстириб боришда муҳим омил бўлмоқда. Йилнинг биринчи ярмида аҳолига 266,2 миллион ўрнига 309,4 миллион кубометр табиий газ, 13725 тонна ўрнига 14085 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Хонадонларни газлаштириш топшириғи 6,2 процент ошириб бажарилди. Аҳолига мўлжалдагидан 493 минг сўм ортиқ пулли хизмат кўрсатилди. Ёки ўтган йилнинг шу давридагидан 38,7 процент юқори натижага эришилди. Шулар эвазига ялпи даромад 12 процент ортди — 6 миллион 790 минг сўмга етди.

— Хўжалик ҳисоби, — дейди бирлашма бошлиғи З. Тожибоев, — изланишга, резервларни қидириб топишга, коллектив аъзоларининг ҳар бирини иқтисодий фикрлашга мажбур этмоқда. Бу ўз навбатида технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ўзаро талабчанликни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Шулар туфайли кейинги ярим йил давомида бракка йўл қўйилмади, сабабсиз прогуллар барҳам топди.

Йил давомида бир миллион сўм соф фойда олиниши керак. Бунинг учун имкониятларимиз бор. Масалан, янги ташкил этилган кооператив ва ёрдамчи цехларимиз ҳозиргача тўла қувват билан ишлаётганича йўқ. Улар фаолиятида айрим нуқсонлар ҳам кузатилган эди. Сўнгги ойларда бу камчилик, нуқсонлар бартараф этилди.

Ҳар бир цех, участкада одамларнинг иш шароитини яхшилашга эътибор қилинмоқда. Душхона, сауна, дам олиш хоналари ишлаб турибди. Коллектив эришган ютуқлар, уларга яратиб берилган шароит СССР Нефть ва газ саноати министрлиги коллегияси томонидан муносиб баҳоланди. Область газ ишлаб чиқариш бирлашмасига «Юксак маданиятли ишлаб чиқариш корхонаси» номи берилди.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



ҲИССА

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Чироқчи тикувчилик фабрикасининг коллективи ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Бу соҳада айниқса фабрикага уюшган касаначилар коллектив меҳнатининг яна ҳам баракали бўлиши учун катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар ойлик ва квартал топшириқларини ҳар доим ошириб бажариб, аҳоли учун манзур бўладиган маҳсулотларни мунтазам етказиб бермоқдалар. Масалан ўтган кварталда 700 минг сўмликдан ортиқ турли буюмларни тикиб бердилар.

— Коллективимиз эришаётган меҳнат муваффақиятларида уй бекалари алоҳида ўрнак кўрсатишяпти, — деб таъкидлайди фабрика партия комитети секретарининг ўринбосари Темир Бекназаров.

Шу кунларда фабрикада хизмат қилаётган илғор ишчилар орасида социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетди. Бунда Зуҳра Омонова, Гулчеҳра Жўраева, Насиба Эркаева сингари илғор тикувчилар кундалик ва ойлик топшириқларини 110-115 процентдан адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатишяпти.

Суратда: Зуҳра Омонова ва ёш ишчи Насиба Эркаевалар.

Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Урганч шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ Рустам Султоновни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Дунё овози

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

● БУЭНОС-АЙРЕС. Совет йўл қурилиши ва қишлоқ хўжалик техникасининг бу ерда бўлиб ўтган кўргазмаси Аргентина корхона эгаларида қизиқиш уйғотди. Кўргазмани бир қанча давлат ва хусусий фирмалар, вилоят ҳукуматларининг бошлиқлари келиб кўрдилар.

Ҳозирги пайтда Аргентинанинг турли районларида қудратли грейдерлар, бульдозерлар ва бошқа йўл қурилиши техникаси, қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар ишлаб турибди. Бу машиналар яхши ишлаши билан маҳаллий мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Механизаторлар машиналарнинг пишиқ-пухталиги ва самарадорлигини таъкидлашмоқда. Аргентинага келаётган совет корхоналари вакиллари машиналарга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилишда кўмаклашибгина қолмай, айни вақтда маҳаллий кадрларни тайёрлаётганликлари ҳам муҳимдир. Мана, 15 йилдан бери «Трактороэкспорт» ташқи савдо бирлашмаси билан ҳамкорлик қилиб келаётган фирмалар Аргентинада Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган машиналар учун баъзи узеллар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлашни йўлга қўйди.

Республика бошидан кечираётган жиддий иқтисодий қийинчиликлар йўл қурилиши ва қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш учун яқин ўтмишда бўлганидек, валютани кўп сарфлашга имкон бермайди, лекин Совет ва Аргентина экспертларининг ҳисоблашларича, бу ўзаро фойдали алоқаларимизни тўхтатиб қўйиш керак, деган маънони билдирмайди. Янги шароитларда янги ечимлар ҳам пайдо бўлади. Совет техникасини етказиб бериш Аргентина товарларини сотиб олиш билан узвий боғланган дастлабки битимлар тузилди.

●ТОКИО. Тинчлик учун кураш Греция ҳаракатининг фаол қатнашчиси Ставрос Ставропулос Нагасаки Америка томонидан атом бомбардимони қилинганлигининг 43 йиллиги арафасида Хиросимадан у ерга рамзий «тинчлик олови»ни олиб борди. Хиросимадаги Тинчлик боғи мемориал марказидан 30 июль куни йўлга тушган Ставропулос 500 километрдан ортиқроқ йўл босиб, оловни Нагасакига, у ерда ядро қуролини тақиқлаш учун халқаро конференция очиладиган кунда етказиб келди. Конференция ядро қуролини тақиқлаш учун кураш япон миллий конгресси (Гэнсуйкин) ташаббусига биноан ўтказилмоқда. Ставрос Савтропулос босиб ўтган йўлларида тинчлик учун ҳаракат қилувчи япон активларининг урушга қарши митинглари ва намойишлари бўлди.

(ТАСС).

СССР Олий Совети делегациясининг Боливияга визити тўғрисида Совет-Боливия қўшма ахбороти

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Қ. Ҳабибуллаев бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Боливия Республикаси миллий конгрессининг таклифига биноан 1988 йил 31 июлдан 3 августгача расмий визит билан Боливияда бўлди.

Совет парламенти аъзолари халоскор С. Боливар ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар. Делегацияни Республика Президенти Тиктор Пас Эстенссоро қабул қилди, унга СССР Олий Совети Президиумининг мактуби топширилди.

Вице-президент, миллий конгресс раиси Хулио Гаррет Айльон, миллий конгресс палаталарининг раислари Сиро Гумбольдт Барреро ва Вилли Варгас Бакафлор, ташқи ишлар ва диний маросимлар министри Гильермо Бедрегаль Гутьерес билан учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган суҳбатлар чоғида томонлар иккала мамлакат парламентларининг фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, халқаро муаммоларни ва икки томонлама муносабатларга доир масалаларни муҳокама қилдилар. Совет делегацияси Боливия томонининг илтимосига кўра XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг Совет Иттифоқида амалга оширилаётган қайта қуришни чуқурлаштиришга қаратилган қарорлари тўғрисида батафсил ахборот берди. Туб иқтисодий ислоҳотни ва сиёсий система ислоҳотини амалга оширишга, демократия ва ошкораликни кенгайтиришга қаратилган йўл совет жамиятини сифат жиҳатдан янги, анча юксак тараққиёт даражасига олиб чиқиши, бу эса Совет Иттифоқи халқларининг фаровонлигини муттасил ўстиришни таъминлаши таъкидлаб ўтилди. Боливия намояндалари ҳам Боливиядаги ички сиёсий вазият ҳақида, миллий конгресснинг фаолияти ҳамда иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этиш юзасидан унинг олдида турган вазифалар тўғрисида, шунингдек Боливияда демократия вакилларини жипслаштириш борасида эришилган ютуқлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Парламентларнинг аъзолари ҳозирги халқаро аҳволни таҳлил этиш чоғида ижобий тенденцияларнинг ривожланиши, мухолифликдан ҳамкорлик томон босқичма-босқич бурилиш, янгича сиёсий фикрлаш принципларини қарор топтириш шу аҳволга хос хусусиятдир, деган фикрни изҳор қилдилар. Шу муносабат билан улар мазкур жараёнларни янада ривожлантиришга кўмаклашиш ишида, мустаҳкам тинчликка ва халқаро барқарорликка эришиш йўлларини излаб топишда ўз халқларининг мухтор вакиллари сифатида парламентларнинг роли ошганлигини қайд этиб ўтдилар.

Боливия томонига Совет Иттифоқининг кенг миқёсли ташаббуслари аҳамияти тушунтириб берилди, бу ташаббуслар ялпи қирғин қуролининг барча турларини, аввало ядро қуролини тугатишга, кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини яратишга қаратилганди. Парламент аъзолари бундай система БМТ уставининг универсал принципларини тўла ҳажмда жуда самарали рўёбга чиқаришга кўмаклашиши лозим, деган якдил фикрни билдирдилар.

Музокараларнинг қатнашчилари Москвада олий даражада ўтказилган Совет — Америка учрашувига юксак баҳо бердилар, бу учрашув қуролсизланиш соҳасида конкрет ҳаракатларни бошлаб берди, Совет — Америка муносабатларидаги умумий муҳитни соғломлаштириш имкониятларини кенгайтирди, халқаро муносабатларда қулай сиёсий муҳитни вужудга келтиришга кўмаклашди. Музокараларнинг қатнашчилари Совет Иттифоқи билан Американинг ўртача ва камроқ олисликдаги ракеталарини тугатиш тўғрисида шартнома тузилганлиги ҳамда унинг кучга кирганлиги тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Бу шартнома реал ядровий қуролсизланиш йўлидаги биринчи ижобий қадам бўлди. Парламент аъзолари ракетадан мудофаа воситаларини чеклаш ҳақидаги шартнома сақлаб қолинган шароитда Совет ва Америка стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги битим тезроқ имзоланишини ёқлаб, қуролланиш пойгасининг космосга ёйилишига қарши, ядро синовларининг ёппасига ва батамом тақиқланишини, химиявий қуролни тақиқлаш ҳақидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш тезроқ ниҳоясига етказилишини ёқлаб фикр билдирдилар.

Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни ёқлаб, Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш ҳақидаги Тлателолко шартномасини қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома халқаро хавфсизликни ва стратегик барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

Парламент аъзолари ҳозирги замоннинг туб муаммоларини ҳал этишда Лотин Америкаси мамлакатларининг роли ортиб бораётганлигини қайд этиб Лотин Америкаси давлатларининг, шу жумладан Боливиянинг ташаббусларига юксак баҳо бердилар. Мана шу ташаббуслар регион миқёсида қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришга, Тинч океани ва Атлантика океанининг жанубий қисми ҳарбийлаштирилишига йўл қўймасликка ҳамда мазкур районларда тинчлик ва ҳамкорлик зоналарини вужудга келтиришга қаратилгандир.

Қўшилмаслик ҳаракати халқаро ишларда фаол қатнашиши билан реал қуролсизланиш мақсадлари сари олға ҳаракат қилиб боришда катта рол ўйнаши кераклиги ҳамда унинг бу ишга қўшаётган ҳиссаси ҳозирги замоннинг муҳим омили эканлиги хусусида томонларнинг нуқтаи назарлари бир-бирига мос келганлиги қайд этиб ўтилди. Шу жиҳатдан улар қўшилмаслик ҳаракати мувофиқлаштириш бюросининг Гаванада бўлган махсус мажлиси якунларига ижобий баҳо бердилар.

БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган III махсус сессияси ишининг натижаларини муҳокама қилиш чоғида амалий ва холис мулоқот давомида кўпгина янги ғоялар ва таклифлар тўпланганлиги тўғрисида умумий фикр билдирилди. Мана шу ғоялар ва таклифлар амалий сиёсатга, БМТ фаолиятига, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бўлажак 43-сессиясида унинг фаолиятига татбиқ этилиши керак. Бош Ассамблеянинг III махсус сессияси давлатлар ҳамда жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини қуролсизланишнинг ва кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини вужудга келтиришнинг сира кечиктириб бўлмайдиган муаммоларига қаратди.

Совет ва Боливия парламент аъзолари қуролсизланиш билан ривожланиш ўртасидаги чамбарчас ўзаро боғлиқликни қайд этиб, қуролсизланиш борасидаги реал силжишлар қўшимча ресурсларни ривожланаётган мамлакатларнинг социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга сарфлаш имконини берган бўлур эди, деб ишонч билдирдилар. Улар «ривожланиш учун қуролсизланиш» фондини тузиш ғоясини қўллаб-қувватладилар, ривожланаётган мамлакатларнинг ортиб бораётган қарзини енгиллаштириш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Парламент аъзолари халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли асосда БМТнинг тегишли қарорлари руҳида қайта қуриш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Томонлар жаҳоннинг турли районларидаги можароли вазиятларни миллий яраш ва ўз йўлини танлаш эркинлиги принциплари асосида тинчлик билан сиёсий бартараф этиш кераклигини ёқлаб фикр билдирдилар. Улар Афғонистонга доир Женева битимларининг барча қатнашчилари шу битимларга қатъий риоя этишлари зарурлигини таъкидладилар, Афғонистондаги аҳволни бартараф этиш бошқа маҳаллий можароларни тугатиш учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигига ишонч билдирдилар.

Парламент аъзолари Марказий Америкадаги вазиятни кўриб чиқиб, Гватемала аҳдлашувларини ва Контадора жараёнини қўллаб-қувватладилар. Ички ишларга аралашмаслик, истисносиз барча Марказий Америка мамлакатларининг манфаатларини эътиборга олиш ва суверен ҳуқуқларини, шу жумладан уларнинг ўз тараққиёт йўлини эркин танлаб олиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш асосида Лотин Америкаси давлатларининг ўзигина регионидаги вазиятни тинч сиёсий бартараф этишга эришишлари мумкинлигига иккала томоннинг ишончи комил.

Томонлар Форс кўрфазидаги вазият жуда кескинлашганлигидан, чет эл ҳарбий кучлари кўпайганлигидан ташвиш билдирдилар, бу эса кўрфазда ғоят хатарли вазиятни вужудга келтирмоқда. Томонлар халқаро муамомларни куч билан ҳал этиш усуллари халқаро ҳуқуқнинг энг асосий принципларига хилофдир, бинобарин, бунинг ўрнига баҳсли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан сиёсий жиҳатдан ҳал этиш усулларини излаб топиш керак, деб ҳисоблайдилар.

СССР ва Боливия парламенти аъзолари жаҳонда наркотик моддалар кенг тарқалаётганлиги ва улар билан қонунга хилоф равишда савдо қилинаётганлигини ғоят жиддий муаммо деб ҳисоблайдилар. Улар мана шу хатарли иллатга қарши миллий ва халқаро даражада курашишга азму қарор берганликларини ҳамда наркотик моддаларни суиистеъмол қилишга ва улар билан ғайриқонуний равишда савдо қилишга қарши курашга бағишланган халқаро конференциянинг (Вена, 1987 йил) қарорларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Музокараларнинг қатнашчилари Совет — Боливия дўстона муносабатларининг аҳволидан мамнуният изҳор этиб, бундан буён шу муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашишга қатъий аҳд қилганликларини таъкидладилар. Улар сиёсий алоқалар ва ҳамкорликни, жумладан СССР Олий Совети билан Боливия Миллий Конгресси ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришни муҳим деб ҳисоблаб, уларни Совет — Боливия сиёсий мулоқотининг жуда муҳим қисми деб биладилар.

Парламент аъзоларининг фикрича, савдо-сотиқ ва экономика соҳасида фойдаланилмаган резервлар мавжуд. Улар Совет — Боливия савдо иқтисодий ҳамкорлиги ҳукуматлараро комиссияси III мажлисининг қарорларини бажариш, шунингдек кўрилиши мумкин бўлган бошқа конкрет чора-тадбирлар ҳамкорлик ва ўзаро манфаатдорлик муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашган бўлур эди деб ҳисоблайдилар.

Боливия томони Тинч океанга чиқиш суверен ҳуқуқини олиш хусусида Боливиянинг талаби тўғрисида совет делегациясига ахборот бериб, Боливия сарфлаётган куч-ғайратларга қарамай, мазкур масалани ҳал этишда вужудга келаётган вазиятдан ташвиш билдирди. Совет делегацияси бу ахборотни тинглаб халқаро низоларни тинч воситалар, регионда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида барча манфаатдор томонларнинг иштирокида музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этиш зарурлиги хусусида ўзининг принципиал позициясини таъкидлади.

СССР Олий Советининг делегацияси ўзини самимий, дўстона қабул қилганлиги учун Боливиянинг парламент аъзоларига ва расмий маъмурларига астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

Қўзғолон давом этмоқда

ҚОҲИРА, (ТАСС). АҚШ давлат секретарининг Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё ишлари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Р. Мэрфининг Исроилга визитига қарши норозилик билдириш учун ўн минглаб фаластинлик Иордан дарёси ғарбий соҳили ва Ғазо секторидаги шаҳарларнинг кўчаларига чиқдилар. Намойишчилар Исроилга шарт қўймай, мадад кўрсатаётган Америка маъмуриятининг Яқин Шарққа доир сиёсатини қораладилар.

МЕНА агентлигининг хабар қилишича, Шарқий Қуддусда, Рамаллах, Жанинда, фаластинлик қочоқларнинг Шати ва Жалазун лагерларида оммавий митинглар ва намойишлар бўлди. Намойишчиларга қарши армия бўлинмалари юборилди. Улар ўт очиш қуроллари ва кўздан ёш оқизувчи газни ишга солдилар. Ўттиздан ортиқ фаластинлик жароҳатланди, ўнлаб киши қамоққа олинди.

Фаластинликларнинг жазо отряди билан қаттиқ тўқнашуви юз берган Кфар Харис қишлоғида комендантлик соати жорий этилди. Армия бўлинмалари Салфия қишлоғини қуршаб олдилар. Исроил солдатларининг қишлоқни ҳужум билан эгаллашга уринишлари фаластинликларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди, босқинчиларга қарата тошлар, ёндирувчи аралашма солинган шишалар улоқтирилди. Бир қанча ҳолларда Салфия кўчаларида баррикадалар қурилди.

Босқинчи маъмурлар Каркила яқинида фаластинликларнинг яна минг донум ерини тортиб олдилар.

АММОН, (ТАСС). Исроил раҳбарлари араб ерларини оккупация қилиш йўлини давом эттиришларини яна айтдилар. Бош министр Шамир ва ташқи ишлар министри Перес Иордан дарёси ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида мустақил Фаластин давлати тузиш эҳтимолини мутлақо рад этдилар.

ЧОРВАЧИЛИК — УМУМХАЛҚ ИШИ — 1988 ЙИЛ № 6—7—8 (28)

ҚИШЛОВГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

● МАМЛАКАТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛИШИ СИЗЛАРНИНГ БИЛИМИНГИЗ,МАҲОРАТИНГИЗ ВА ОМИЛКОРЛИГИНГИЗГА БОҒЛИҚ. ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ БАРЧА РЕЗЕРВ ВА ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ, ЭЛ МАЪМУРЧИЛИГИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК!

● САФИМИЗДА БИРОРТА ҲАМ ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН. ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ КЕНГ ЁЙИШ БИЛАН МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ КЕСКИН ОШИРАЙЛИК!

● МУСТАҲКАМ ОЗУҚА БАЗАСИ ЯРАТИШ — ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИ ОШИРИБ БАЖАРИШ ГАРОВИ. ҲАММА ЕРДА МЎЛ-КЎЛ, СИФАТЛИ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИШ — ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ.

● ИШДА ОИЛА, ИЖАРА ПУДРАТИ УСУЛЛАРИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШ МОЛЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДАРОМАДИНИНГ ОРТИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

ҚАРДОШЛАР ТАНҚИД ҚИЛИШДИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» махсус мухбиридан. Куни кеча республикамиз газеталари саҳифаларида қардош республикалар қишлоқ меҳнаткашларининг ўзаро текшириш бригадалари таассуротлари билан таништирган эдингиз. Уларда республикамиз агросаноати комплекси тармоқларидаги ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам очиқ-ойдин айтиб ўтилди.

Озарбайжонлик меҳмонлар Хоразм области дала ҳамда фермаларида бўлиб, чорва қишловига ҳозирлик ишлари билан таништилар. Областда **«беда ўрим-йиғимидаги қолоқлик жиддий ташвиш уйғотмоқда, —** таъкидлашди қардошлар. **— Раҳбарлар ва мутахассислар камчиликларни барҳараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўрмаяптилар».**

Дарвоқе, хоразмликлар бу йил чорва қишлови учун 130 минг тонна беда пичани ҳозирлаш, 10 минг тоннадан зиёд витаминли ўт талқони тайёрлаш мажбуриятини олганлар. Аммо шу кунларда кўзланган ана шу марралар эгалланмай қолиши хавфи бор. Ҳозирча бу ерда пландаги емхашакнинг учдан бир қисми тайёрланди холос. Янгибозор, Шовот, Қўшкўпир сингари қатор районларнинг аксарият хўжаликларида бугунгача йиллик планнинг 20-25 проценти миқдорида озуқа жамғарилди.

Областда илғор хўжаликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Гурлан районидаги «Коммуна» колхози озуқакорлари 100 гектардан зиёд беда майдонида ўрим-йиғим ишларини қисқа муддат ичида тугаллаб, ҳар гектар бедазордан қарийб 100 центнергача сифатли пичан олишга эришдилар. Юқорида шанига танқидий фикрлар билдирилган районлар ва хўжаликларнинг меҳнат коллективлари ўзлари билан қўшни ана шундай пешқадам хўжаликлардан ўрнак олсалар, ёмон бўлмасди.



Поп районидаги «Навбаҳор» совхозида ўз касбининг устаси бўлган моҳир чорвадорлар кўп. Улар ўзларининг ҳалол, баракали меҳнатлари билан хўжаликда гўшт ва сут етиштиришни муттасил кўпайтириб боришга катта ҳисса қўшиб келишмоқда. Шу сабабли совхозда бошқа соҳалар қатори чорвачилик ҳам юксалишнинг ойдин йўлига тушиб олган.

Хўжаликнинг чорвачилик фермаси коллективи бу йил давлатга 800 тонна серқаймоқ сут, 160 тонна бўрдоқи гўшти етказиб беришни кўзлашмоқда. Қорамоллар тўйимли рацион асосида боқилаётгани туфайли суткалик семириш нормасидан ортиқ бўлаётир. Айниқса сут тайёрлашда яхши натижалар қўлга киритиляпти. Соғувчилар ўртасидаги меҳнат беллашувида Гулчеҳра Валламова ва Ширмоной Жўраевалар пешқадам. Икки мусобақадош ўз боқимидаги говмишларни меҳр билан парваришлаётгани, соғимни ўз вақтида, зооветеринария қоидалари асосида ўтказишаётгани туфайли маҳсулдорлик ҳам юқори бўлаётир. Улар кунига ҳар бир сигирдан ўртача 8-9 килограммдан сут соғиб олишга эришаётирлар.

Суратда: Мусобақа илғорлари Гулчеҳра Валламова (чапда) ва Ширмоной Жўраевалар.

П. Эргашев фотоси.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Қўриқ Жиззах области меҳнаткашлари йилнинг чорва учун қулай келганлигидан омилкорлик билан фойдаланяптилар. Тоғ, адрлардаги табиий ўтлар вақтида йиғиштириб олинмоқда. Бедазорлардан мўл ҳосил тўпланаётир. Даладаги сомон уюшқоқлик билан йиғиштирияпти. Бу йил айрим хўжаликларда ҳатто аҳоли уйларига сомон етказиб бериш хизмати ташкил этилганлиги ҳам мавсумнинг соз ўтишига ижобий ёрдам кўрсатди. Натижада областда дағал хашак жамғариш плани муддатидан олдин ортиғи билан бажарилди.

Дастлаб Бахмал ва Ғаллаорол, кейин эса Жиззах ҳамда Зомин районн чорвадорлари дағал хашак жамғариш йиллик планларини адо этишди. Область бўйича жамғарилган дағал хашак миқдори 332200 тоннадан ортиб кетди.

Мирзачўл районидаги «Советская Россия» совхози, Жиззах районидаги Ленин номли совхоз ва «Москва» колхози меҳнаткашлари суғорриладиган беда майдонларидан мўл ҳосил олишга эришдилар. Ғаллаорол районидаги «Коммунизм», «Гулистон», Бахмал районидаги «Гулбулоқ», «Узунбулоқ», «Нурли қуёш» совхозларида табиий пичан тайёрлаш плани 1,5—1,7 баробар оширнб бажарилди.

Областда бу йил дағал хашак миқдорини 500 минг тоннага етказиш учун мавжуд имкониятлар сафарбар этилаётир.

Б. САТТОРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МОЛИ ТЎҚНИНГ—КЎНГЛИ ТЎҚ

Чорвачиликни интенсив ривожлантириб моллар маҳсулдорлигини оширишга интилаётган Паркент районидаги «Коммуна» совхози суттовар фермасида кейинги пайтларда муайян ютуқларга эришилди. Моллар зооветеринария қоидалари асосида меҳр билан парваришлангани, тўйимли озуқалар билан боқилгани туфайли улардан мўл-кўл маҳсулот олиняпти. Шу йилнинг ўтган етти ойи ичида 600 тоннадан зиёд сут етиштирилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврндагига нисбатан 25 тонна кўп. Маҳсулотнинг ёғлилик даражаси 3,7—3,8 процентни ташкил этди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 1500 килограммдан ошди.

Совхоз чорвадорлари айни кунларда халқимизнинг «Моли тўқнинг — кўнгли тўқ» деган нақлига амал қилиб, қишловга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ориф Турдибоев бошлиқ озуқачилар бригадаси коллективи бу борада ибратли ишларни амалга оширяпти. Шу кунгача пландаги 4100 тонна ўрнига 4356 тонна хашак, жумладан, 1952 тонна беда пичани тайёрланди, 1340 тонна сенаж бостирилди, 956 тонна сомон тўпланди.

Механизаторлардан М. Маъмуров, У. Раҳмонов, М. Эрматов, М. Мирзабоев, ишчилардан А. Ботиров, С. Дадаматов ва бошқалар мўл озуқа жамғаришда мусобақа пешқадами бўлмоқдалар.

Ш. ҲАЙДАРОВ.

Чўпон сўз сўрайди

ЮТУҒИМИЗ БОР, КЎМАККА ҲАМ МУҲТОЖМИЗ

Йўлдош Қолдибековнинг ишини анчадан буён кузатиб юраман. У чўпон таёғини тутганда бўз йигит эди. Сергайратлиги, фаоллиги билан эл назарига тушди. Кўп ўтмай турли йиғинлар тўрида ўтирадиган бўлди. Чунки у бўлим ва хўжаликда қўйларни парваришлаш, улардан маҳсулот олишда пешқадамлар сафига чиқиб олганди. Айни кунларда районимизда унинг олдига тушадиган чўпон кам. Шу йил ҳар юз бош совлиқдан 112 тадан қўзи олиб, яна биринчиликни эгаллади.

Йўлдош эришаётган ютуқлар салмоқли. Бу салмоқ замирида нечоғли катта заҳмат ётганлигини чўпон меҳнатини билган кишигина тушунади. Хўжалигимизда И. Қолдибековдан қолишмасликка интилаётган чўпонлар кўп. Р. Турдибеков, К. Алданов, Т. Ёқубовлар ана шулар жумласига киради. Уларнинг меҳнати туфайли совхозимизда маҳсулдорлик ошиб, даромад кўпайиб бормоқда. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, тежамкорликка, ишларни омилкорлик билан ташкил этишга эътибор кескин кучайди.

Бундай ўзгаришларнинг рўй беришига аввало, чўпонларимизнинг фидокорона меҳнати ва хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаганлигимиз сабаб бўлмоқда. Янги иш усулининг афзаллигини нималарда кўриш мумкин дерсиз? Биринчи навбатда ишга бўлган муносабатнинг ўзгарганлигида. Тўғри, илгари ҳам Қолдибековга ўхшаган чўпонлар омилкорлик билан меҳнат қилишарди. Лекин улар бу меҳнат қанчага тушаётганлигини, қанча сарф-харажат бўлаётганлигини обдон ўйлаб ўтиришмасди. Энди ҳар бир тийинни ҳисоблашга тўғри келяпти. Негаки, маъмурият билан тузилган шартномада ҳамма сарф-харажатлар аниқ ҳисоб-китобда. Тежамга эришилса, фойданинг бир қисми чўпоннинг чўнтагига тушади. Эришмаса чўнтакдан чиқариши керак...

Ҳамкасбларим буни яхши англаб олишди. Ҳозир уларга керагидан ортиқча транспорт ҳам, ёнилғи ҳам, ем-хашак ҳам керак эмас. Имкони борича мавжудлардан оқилона фойдаланишга, резервларни ишга солишга, чиқимни камайтиришга интилишяпти. Бир сўз билан айтганда, энди чўпон етти ўлчаб бир кесади.

«Ҳолва деган билан оғиз чучимайди», дейишади. Хўжалик ҳисобига ўтиб ишлашнинг ўзи билан муваффақият келавермайди. Бунинг учун ҳар қачонгидан кўпроқ меҳнат қилиш, омилкорлик билан иш тутиш даркор. Масаланинг худди шу жиҳати кўплаб муаммоларни ҳал қилишни, тўсиқларни олиб ташлашни ҳам тақозо қиляпти.

Ем-хашак тайёрлашдаги ишларни олинг, Маълумки, Қизилқум шароитида қишга етарли озуқа жамғариб бўлмайди. Ўтган йиллардаги буйруқбозлик ва тазйиқона иш услуби туфайли шувоқ, янтоқ ва бошқа ўт-ўланларни йил сайин чопиб олавериб, яйловларимизни камбағаллаштириб юбордик. Бу аҳволга энди тоқат қилиб бўлмайди. **Яйлов — чорванинг дастурхони эканлигини, унинг ҳар қаричи кўз қорачиғидек асралиши зарурлигини унутмаслик лозим.**

Лекин чорвачиликни дағал хашаксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, нима қилиш керак? Менимча, четдан кўпроқ тўйимли озуқа келтириш ёки етиштириш даркор. Аслида шундай бўляпти ўзи. Ҳар йили минглаб тонна дағал хашак қўшни область ва районлардан ташиб келтирилмоқда. Бироқ унинг **транспорт харажати бизни, таъбир жоиз бўлса, чақиб оляпти. Ўтган йили, масалан, бир тонна беда хўжаликка 60 сўмдан, сомон 25 сўмдан тушди. Шу боис, бундай сарф-харажатлар бизга юқоридан ажратилаётган маблағларда ўз ифодасини топишини истардик.**

Ем масаласидаги «сирли тугун»ларни ҳам бартараф қилиш пайти келди. Ҳар йили «сизларга фалон тонна ем берилади», деган қоғоз оламиз. Аммо унинг қай пайтда, қанча тоннадан берилиши номаълум. Айниқса, шу йил баҳорда жуда қийналдик. **Область агросаноат комитети ва РАПОдаги ўртоқлар масъулиятсизлик қилишди. Биз уларга бу борада қанча мурожаат қилмайлик, ҳануз муаммолигича турибди.** Шунга ўхшаш камчиликларни қурилиш материалларини олишда, социал соҳадаги масалаларнинг ҳал қилинишида ҳам кўриш мумкин. Гапнинг тўғриси, муаммолар бизга тўла ишонч билан меҳнат қилишимизга имкон бермайди. Қўлимизни боғлаб қўймоқда.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида мамлакат Озиқ-овқат программасини бажариш масаласи кун тартибига яна бир бор долзарб вазифа қилиб қўйилди. Биз чорвадорлар зиммамиздаги вазифаларнинг нечоғлик масъулиятли эканлигини, уларни амалга ошириш учун катта куч-ғайрат кўрсатиб ишлаш лозимлигини яхши биламиз. Айни пайтда бу борада зарур кўмакка ҳам муҳтожмиз.

Изимбек НАВРЎЗБОЕВ,
Томди районидаги Ленин номли совхоз бош чўпони, Меҳнат Шуҳрати орденларининг тўла нишондори.

ЎЗГАРИШ ОМИЛЛАРИ

Кейинги йилларда республикамиз колхоз ва совхозларида аҳолини гўшт, сут, мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар рўй берди: бозорларда нарх-наво қимматлигича қолмоқда. Хўш, нега шундай ҳол юз берди? Қишлоқ хўжалигига бир тарафлама раҳбарлик, сўз билан иш бирлигини таъминламаслик, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга эътиборсизлик билан қараш ва тармоқни интенсивлашга юзаки ёндашиш ана шундай оқибатларга олиб келди. Буни биз районимиз, қолаверса, хўжалигимиз мисолида кўриб турибмиз.

Чўчқачилик — совхозимиз экономикасида асосий роль ўйнайди. Тармоқ узоқни мўлжаллаб белгиланган тадбирлар асосида ривожлантирилмоқда.

Тўғри, илгари хўжалигимизда гўшт етиштириш йиллик планлари бажарилмасди. Маҳсулот таннархи бутунлай қимматлашиб кетганди. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам талабга жавоб бермасди. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти Озиқ-овқат программасини бажаришнинг муҳим шарти — гўшт етиштиришни кўпайтириш учун чорва моллари озуқа базасини мустаҳкамлашга асосий эътиборни қаратдилар. Натижада уч йилдан бери совхозда гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳамда уни давлатга сотиш планлари ортиғи билан бажарилмоқда.

Рақамларга назар ташланг: 1986 йилда давлатга 1060 тонна ўрнига 1093,8 тонна гўшт етказиб берилди. Ўтган йили бу рақам 1126 тоннага етказилди ёки шу беш йилликнинг ўтган даврида давлатга гўшт сотиш қарийб 400 тоннага кўпайди. Ҳар юз бош она чўчқадан 1259 бош ўрнига 1635 бош бола олинди.

Хўжаликда тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам эътибор беряпмиз. Биргина ўтган йили 836 гектар ерда озуқа экинлари ўстирилди. 812 тонна дон, 643 тонна илдиз мевали озуқа, 1010 тонна маккажўхори силоси, 2 минг 903 тонна дағал хашак тайёрланди. Бу эса кўп миқдорда ва арзон гўшт ҳамда сут ишлаб чиқариш имконини берди. Маҳсулот таннархини арзонлаштирди. Бир центнер гўшт етиштириш 203 сўм 29 тийинга тушди. Бир центнер сут таннархи 19 сўм бўлди. Совхоз маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини камайтириш ҳисобига ўтган йили 87 минг сўм соф фойда олди.

Шуниси қувончлики, совхоз чорвадорлари янгича иқтисодий ислоҳотга ўтиб ишламоқдалар. Далачилик бригадалари ва чорвачилик цехларида уч йилдан бери подрат усули жорий этилган. Пудрат ҳар бир ишчи ва операторнинг маҳсулот етиштиришга бўлган қизиқишини орттиряпти. Ҳасан Хўжамов, Барно Раҳмонов бошлиқ чўчқачилик бригадалари ва Араб Орзиев мудирлик қилаётган қорамолчилик фермасида ҳар бир чорвадорнинг ойлик иш ҳақи ўртача 200 сўмдан ошмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойлари якунлари ҳам чакки эмас. Давлатга 535 тонна гўшт топширилиб, етти ойлик план барвақт адо этилди. Сут етиштириш 169 процентга етказилди. Чўчқаларнинг кунлик семириши 113 граммни ташкил қилмоқда. Бир центнер чўчқа гўшти етиштириш 8 сўм 80 тийинга, қорамол гўшти 16 сўм 12 тийинга, сут ишлаб чиқариш 20 сўм 75 тийинга арзонлашди. Шунингдек, 190 гектар ердаги ғалланинг ҳар гектаридан пландаги 15 центнер ўрнига 20 центнердан дон олинди. Бир кеча-кундузда 70 тонна озуқа тайёрлайдиган механизациялашган цех фойдаланишга топширилди. Барча ишлар чек системаси асосида ташкил этилиб, хўжаликнинг ички сарф-харажатлари камайди, тежамкорлик ортди. Шулар эвазига техникадан, ёқилғи ва бошқа ресурслардан 88 минг 270 сўм маблағ иқтисод қилинди.

Хўжалигимизда ҳали ишга солинмаган резервлар ҳам бор. Чунончи, чўчқачилик ферма ва бригадаларида кўпгина ишлар ҳануз қўлда бажарилаётир. Уларни механизациялаш ҳақида узоқ йиллардан буён гапсўзлар бўляпти-ю, амалга ошмаяпти. Яқин келгусида совхозимизда 54 минг бош чўчқага мўлжалланган комплекс қурилиши кўзда тутилган. Бунинг учун кам деганда 9 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланиши керак. Лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Лекин республика Давлат агросаноат комитети 1989 йил учун бор-йўғи 700 минг сўм ажратганлигини нормал ҳол деёлмаймиз. Ахир, бу катта комплекс қурилиши сарф-харажатига урвоқ ҳам бўлмайди-ку?

Чорвадорларнинг маданий-маиший шароити ҳам кўнгилдагидек эмас. Уй-жойларни газлаштириш кечикяпти. Тўғри, совхоз марказида қуйма уй-жойлар барпо этилмоқда. Лекин социал объектлар қурилиши ниҳоятда суст. Янги мактаб ва болалар боғчалари тикланиши негадир пайсалга солинаётир. Савдо маркази, кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш уйи, замонавий ҳаммом йўқ. Агар шу муаммолар ечими тезроқ амалга ошса, совхозимиз меҳнаткашлари Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилиши йўлида тағин ҳам куч-ғайрат билан ишлаган бўлардилар.

Чорвадорларимиз ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб, гўшт етиштиришни 1 минг 200 тоннага етказишни мўлжаллашган. Бу — Косон районида етиштирилаётган гўшт миқдорининг 37-40 процентини ташкил этади, дегани.

Т. СУЛТОНОВ,
Косон районидаги Свердлов номли совхоз директори.

Вақт ғанимат

Олтиариқ районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт, сут, тухум, жун сотиш етти ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 1 миллион 60 минг дона ўрнига 1 миллион 320 минг донадан ортиқ тухум топширилиб, план оширнб уддаланди.

Бу ютуққа «Москва», Жданов номли, «Социализм», Энгельс номли қишлоқ «Коммунизм» колхозларининг товуқбоқарлари катта ҳисса қўшдилар.

«Москва» колхози паррандабоқари коммунист Озодахон Фозилова йиллик планни ҳам адо этди. У давлатга пландаги 135 минг ўрнига 138 минг донадан зиёд сара тухум топширди. Бунда унга турмуш ўртоғи Ёқубжон Ғаниев ва ўғил-қизлари Раъно, Воҳид, Тўтиёлар яқиндан ёрдам беришди.

Айни пайтда район паррандачилик фермаларининг меҳнатчилари август ойи топшириғини бажариш арафасида турибдилар.

У. ҲАЛИЛОВ.

ҲОЗИРЛИК СОЗ БЎЛСА

Советобод— Самарқанд областида чорвачиликка ихтисослашган районлардан бири. Унда қорамолчилик, йилқичилик, туячилик, эчкичилик ва паррандачилик сингари қатор тармоқлар йил сайин ривож топмоқда.

Ҳозир бу ерда 333 минг 157 бош қўй-эчки, 7 минг 319 бош қорамол, 2 минг 22 бош йилқи, 272 бош туя, 20 минг 734 та парранда парвариш қилиняпти. Яйловлар кенг, серўт. Суғориладиган майдонлар ҳажми йил сайин ошмоқда. Беда, маккажўхори, хашаки лавлаги ва оралиқ экинлардан муттасил мўл ҳосил олинмоқда.

Шу кунларда район яйловларида чорва қишловининг муваффақиятли ўтиши учун пухта замин яратиляпти. Яйловлар ва суғориладиган майдонларда озуқа жамғариш қизғин. Тўпланган беда, маккажўхори силоси, оралиқ экинлар ва дағал хашак фермаларга, отарларга пешма-пеш ташиб келтирилмоқда.

Район бўйича бу йил 41 минг 869 тонна дағал хашак тайёрланиши кўзда тутилган. Кечаги кунга қадар ҳаммаси бўлиб 40 минг тоннадан зиёд озуқа ғарамланди. Унинг 3 минг 507 тоннасини беда, 4 минг 278 тоннасини сенаж, 7 минг 609 тоннасини табиий пичан, 24 минг 308 тоннасини сомон ва бошқа хил озуқалар ташкил этади. Озуқа тўплаш ишлари 22 та бригадага бўлинган ҳолда олиб бориляпти. Мавсумда 366 киши иштирок этмоқда. 10 та хашак ўрувчи, 5 та тўдаловчи, 25 та тойловчи, 4 та «КИР—1,5» агрегати ва 76 та ташувчи техника воситаларидан унумли фойдаланилаётир.

«Каттақўрғон», «Улус», «Жом», «Москва» совхозларида амалга оширилаётган ишлар айниқса, қувончли. Бу хўжаликларда хашак тайёрлаш йиллик планларни муддатидан илгари бажарилган бўлсада, суръат бўшашгани йўқ.

Лекин умуман олганда районда тайёрланган озуқа ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21 минг 107 тонна кам, нега? Кўклам кўнгилдагидек келиб, мавсумга ҳамма кучлар сафарбар этилган бўлса-ю, нега энди ўтган йилги натижага эришилмаяпти?

Бу саволга жавобни ишда йўл қўйилаётган айрим камчиликлардан излайлик. Энг аввало, ишнинг тезлашиши — техника воситаларининг созлиги ва етарли бўлишига боғлиқ. Районда эса аҳвол ҳали бу талаблар даражасида эмас. Район ремонт ишлаб чиқариш корхонасида барча техника воситаларининг ремонти ҳамиша ҳам сифатли бўлмаётир. Уларга зарур эҳтиёт қисмлар етишмаяпти.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» ва «Ленинчи чорвадор» совхозларида хашак тўплаш суръатлари кўнгилни тўлдирмаётир. Уларда эндигина йиллик планнинг ярмидан кўпроқ озуқа жамғарилди, холос. Ўтган йилнинг шу мобайнидаги кўрсаткичларга назар ташласак, «Ленинчи чорвадор» совхозида 4 минг 584 тонна, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозида эса 4 минг 428 тонна кам дағал хашак тайёрланганлигини кўрамиз. Ваҳолонки, ҳар икки хўжалик ҳам районда ва қорақўлчиликка ихтисослашган йирик совхозлардир. Агар иш шу алфозда кетса—қишлов қай даражада ўтишини тасаввур қиларинг.

Яна бир муаммо: районда суғориладиган майдонлар ҳажми оз. Кейинги йилларда бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали эҳтиёжга яраша янги ерлар ўзлаштирилмаяпти. Тўғри, райондаги «Москва» каналидан сув чиқариш эвазига «Улус», Москва, «Жом», «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозларида кўплаб майдонлар экинзорларга айлантирилди. Суғориладиган ерлар ҳажми 4 минг гектарга етди. Шу кунларда «Самаркандсовхозводстрой» трестига қарашли 1-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари Собирсой сув омборини барпо этишяпти. У тўла ишга туширилгач, суғориладиган майдонлар 16 минг гектарга кўпаяди. Лекин бунинг учун иш суръатига суръат қўшиш, жойларда юз бераётган хотиржамлик ва лоқайдликка ҳозирданоқ барҳам бермоқ лозим.

А. САТТОРОВ.

Ташвишли сигнал

МАҲСУЛДОРЛИК—БОШ МЕЗОН, АММО...

Бухоро районидаги «Галаосиё» бўрдоқичилик совхозида гўшт чорвачилиги секин ривожланмоқда. Хўжалик бу йил давлатга 200 тонна қорамол гўшти етиштириб бериши керак.

— Бунча гўштни етиштириш осон эмас,— дейди совхоз партия комитетининг секретари Қосим Азимов, — ахир сўкимдаги ҳар бир қорамолни тўйимли емиш билан йил давомида таъминлаб туриш учун кам деганда бир гектар ўт-ўланли ер талаб этилиши ҳаммага маълум. Зеро, озуқа базаси бунёд этмай туриб, маҳсулдорликни ошириб бўлмайди...

Секретарь гапни «ўнглаб» айтган бўлса-да, хўжаликдаги ишлар ўнгланиб кетмаётир. Давлатга гўшт топшириш йил сайин камайиб кетмоқда. Масалан, 1986 йилда 251 тонна, 1987 йилда 60 тонна гўшт етиштирилди, холос. Шу йилнинг ўтган ойларида бу кўрсаткич 17 тоннадан нарига ўтмади. Ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт миқдори 30 тоннага камайди.

Колхоз, совхозлардан келтирилган 2500 бош қорамолнинг вазнига қўшилган вазн хўжаликнинг гўшт планига кирмайди, лекин уларга бериш учун етарли ем керак. Бу йил 200 тонна бўрдоқи гўшти етиштириш учун 2 минг тонна озуқа бирлиги ёки йил давомида минг тонна аралаш озуқа (ем), 5 минг тонна шелуха даркор бўлиб турибди. Ҳолбуки, совхоз ўтган ойлар давомида атиги 450 тонна аралаш озуқа, 700 тонна шелуха олди. Чорвадорларга бу борада район агросаноат бирлашмаси ва область агросаноат комитети амалий ёрдам беришлари керак.

Хўжаликда озуқа экинлари учун унумдор ерлар ажратилмаётир. Ҳозир совхоз ихтиёрида 237 гектар озуқа майдони бор. Бунинг 12 гектари совхоз атрофида бўлса, 105 гектари аҳоли массивларига ҳам, сувга ҳам узоқ майдонларда жойлашган. «Москва» колхози территориясидаги ерларнинг мелиоратив ҳолати талаб даражасида эмас. Натижада, шу ерларда бу йилнинг ҳисобидан ҳозиргача 300 тонна беда олинди, холос. Ҳолбуки, бу рақам йил охиригача 3 минг тоннага етказилиши керак. Сабаби — 75 гектар ер ботқоқ ва шўрхок бўлиб қолган, унумдорлик паст.

Бундан уч йил муқаддам совхозда чўчқачилик фермалари тугатилиб, уларнинг тўртта йирик биноси бўшаб қолганди. Биноларни қорамол боқишга мослаб, реконструкция қилиш ишлари пайсалга солинмоқда. Кўпгина қўралар эски, ремонталаб. Уларда қорамолларни қишда лой, ёзда жазирама иссиқда асрашга мажбур бўлиняпти. Чорвадорларга ишдан сўнг дам олиш учун шароитлар етарли эмас. Буларнинг ҳаммаси самарадорликка, рентабелликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида хўжаликка «Москва» колхозидан ажратиб берилган 120 гектар ерга 60 минг сўм, бошқа хўжаликлардан сотиб олинган озуқалар учун 100 минг, амортизация харажатларига 70 минг, ёнилғимойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларга 30 минг, иш ҳақига 110 минг — жами 370 минг сўм сарфланган ҳолда 220 минг сўм даромад қилинди, холос.

Савол туғилади: аҳвол шу тарзда давом этаверса, маҳсулдорлик ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Ж. ЙЎЛДОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Паррандабоқарлар зафари

Қува район паррандабоқарлари тухум топшириш етти ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 1 миллион 60 минг дона ўрнига 1 миллион 320 минг донадан ортиқ тухум топширилиб, план оширнб уддаландн.

Бу ютуққа «Москва», Жданов номли, «Социализм», Энгельс номли қишлоқ «Коммунизм» колхозларининг товуқбоқарлари катта ҳисса қўшдилар.

«Москва» колхози паррандабоқари коммунист Озодахон Фозилова йиллик планни ҳам адо этди. У давлатга пландаги 135 минг ўрнига 138 минг донадан зиёд сара тухум топширди. Бунда унга турмуш ўртоғи Ёқубжон Ғаниев ва ўғил-қизлари Раъно, Воҳид, Тўтиёлар яқиндан ёрдам беришди.

Айни пайтда район паррандачилик фермаларининг меҳнатчилари август ойи топшириғини бажариш арафасида турибдилар.

У. ҲАЛИЛОВ.

Санъат ва дўстлик маршрутлари

МАЙДОНДА — ИНТЕРЦИРК

● Саккиз социалистик мамлакат етакчи цирк артистларининг энг яхши номерлари, «Салом, интерцирк» программасидан ўрин олган. Ўзбекистон пойтахти ана шу программа премьераси ўтказиладиган жой сифатида танланди.

— Тошкент цирк саҳни — Москва циркидан кейин мамлакатда иккинчи ўринда туради. У техник жиҳатдан яхши жиҳозланган ҳамда аъло сифатли реквизитлар билан таъминланган, — дейди «Союзгосцирк» бош режиссери, Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Г. Николаишвили.

— Гурам Георгиевич, чинакамига интернационал томоша яратиш ғояси қандай пайдо бўлди?

— Йил бошида «Союзгосцирк»да бўлган ижодий учрашувларнинг бирида қайта қуриш ҳамда мамлакат цирк коллективларини хўжалик ҳисобига ўтказиш муаммоларини муҳокама қилдик. Халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашишни кенгайтириш зарурлиги тўғрисида гапирдик. Худди шу вақтда Москвага социалистик мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз келишди, сўнгги йилларда яратилган ўзига хос, қизиқарли номерларини кўрсатишди. Ўшанда ижодий ҳамкорлик асосида миллионлаб цирк ишқибозлари томоша қиладиган спектакль яратиш мумкин эмасмикан, деб ўйлаб қолдик.

— Программа қатнашчиларини таништирсангиз. Улар цирк жанрларининг қайси бирида ўз санъатларини намойиш қиладилар?

— Программа 3 соат давом этади. Унда ГДРдан келган ҳаво гимнасти Петр Рихтер, қатор халқаро конкурсларда катта совринни қўлга киритган руминиялик Августо ва Елена Паклудо, польшалик ҳайвон ўргатувчилар Барбара ва Эвер Немичеклар, болгариялик дорбоз Кондовлар группаси қатнашади. Тўғри, Болгария Халқ Республикаси артистлари тошкентликларга таниш. Улар Ўзбекистонда икки марта бўлишган, лекин бу гал ўзларининг янги номерларини олиб келишди. Чехословакиядан гимнастикачи Катерина Хованцева ташриф буюрди. Кубалик эквилибриристлар Сони ва Рохо Апарисио, венгриялик ҳаво акробатлари — Мазанлар оиласи ҳам томошабинлар ҳузурида ўз санъатларини намойиш қилишади. Болгариялик 4 ёшли София Петрова бу томошанинг энг ёш қатнашчисидир. У ота-онаси билан бирга келди ва у, албатта, томошабинлар ҳузурида чиқишни хоҳлайди. София «Андижон полькаси», «Лезгинка» ва «Циганочка» рақсларини жуда тез ўрганиб олди.

Совет артистлари қаторида Ўзбекистон вакиллари — кўзбоғловчи Абдулла Мўминов ва машҳур цирк чавандозлари сулоласидан Карима Зарипова ҳам қатнашадилар.

Г. Николаишвили томошанинг бош режиссеригина эмас, айни вақтда унинг қатнашчиларидан бири ҳамдир. У ўз ўғли — 20 ёшли Гия билан кулгили интермедиялар ижро этади. Гия айни вақтда жонглерлик, масхарабозлик ҳам қилади, турли ўйинларда қатнашади. Гурам Георгиевичнинг 13 ёшли қизи Нато ҳам цирк саҳнида ўз кучини синаб кўрмоқда. Гурам Николаишвилининг номи кўпгина томошабинларга таниш бўлса керак. У бир неча бадиий фильмларда иштирок этган. «Лазарнинг саргузаштлари» картинасида бош ролларадан бирини ўйнаган. 1971 йилда телевизион фильмлар Бутуниттифоқ фестивалида бош совринга сазовор бўлган.

«Салом, интерцирк!» программасини барча Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги цирк санъати ишқибозлари томоша қиладилар.

(ЎзТАГ).

Турмуш маданияти ва қайта қуриш

КЎНГИЛСИЗ МАНЗАРАЛАР...

Уларга ким барҳам беради?

Қарашлар, тушунчалар, эскилик сарқитлари билан янгича анъаналар ўртасидаги кураш давом этяпти. Бу — қайта қуришга — одамларнинг инсофини, диёнатини, маданиятини, қолаверса виждонини қайта қуришга дахлдор курашдир.

БИЗНИНГ бувиларимиз паранжи ташлаганда рўпарада даҳшат, ўлим пичоғини қайраб, чиркин хурофот тишини ғижирлатиб турарди. Нур, зиёга интилган қиз-жувонларнинг йўлларини остонада хурофот, ичкарида бидъат тўсарди. Оналаримиз шам ёқиб қўлларига китоб ушлаб мутолаа қилгани қўрқар, ичкарининг қўланса шамоллари бу китобларни варақлагани қўймас, улар ёққан шамни ўчириб кетарди... Энди-чи? Энди ҳамма нарса муҳайё... Лекин ўтмишнинг умрини яшаб бўлган сарқитлари жойларда ҳали ҳам ўз ҳукмини ўтказиб келяпти. Қишлоқларда яшовчи кўпгина опа-сингилларимиз ҳаётида қайта қуриш, янгиланиш шабадалари сезилмаяпти. Улар майда-чуйда ғалвалар гирдобини ёриб чиқишолмаяпти. Хотин-қизлар кенгашлари эса ўз фаолиятини рўйи-рост қайта қуришга эришолмаяпти. Ёшлар кўпинча ўз тақдирига лоқайд қарашади.

Битсин энди майда-чуйда гаплар, ғалвалар,
Сизни кутаяпти ахир ёруғ, нурли давралар.

Лекин... ана шу ёруғ нурли давраларга етиб келолмай, дардини, изтиробини айтолмай ичига ютиб келаётган қизларимиз йўқми? Афсуски, бор. Улар анчагина. Жойларда ҳамон уларни тушунадиган, эринмай тинглайдиган, уларга кўмак бериб, йўлга солиб юборишга қодир бўлган ғамхўр одамлар топилаётгани йўқ. Лоқайд кимсалар, бедард одамлар туфайли кишини изтиробга солувчи нохуш воқеалар содир бўлиб турибди. Гулчеҳра Қодирова Лангар қишлоғидаги мактабларнинг бирида ўқирди. Одобли, хушфеъл, меҳнатсевар қиз эди. Колхозга кўмакка чиққан чоғларида Гулчеҳра ҳамиша тенгдошларига ўрнак бўларди. Қизнинг нохуш қисмати ҳаммани ҳайрон қолдирди. У бир ҳафта касал бўлди-ю, ҳаётдан кўз юмди. У ўз орзулари, хаёлларини пинҳон тутди.

Лангар қишлоғида ҳаёт аввалгидай давом этяпти, ўша-ўша мактаб, ўша-ўша тупроқ кўчалар. Балки қишлоқнинг ўта зерикарли ҳаёти, тор муҳити жонига теккандир? Қишлоқда ҳеч нима ўзгаргани йўқ. Фақат Гулчеҳра туғилиб ўсган хонадонда бир армон қолди, холос. Бу армон муштипар онанинг юрагига тош бўлиб чўкди.

Кўпинча биз қишлоқларда турмуш маданиятининг пастлиги ҳақида куюниб гапирамиз, ташвишланиб ёзамиз. Лекин бу муаммони ҳал қилиш кўпинча маънавий дунёси баркамол ёшларга боғлиқ эканини эсдан чиқарамиз.

Гулчеҳра ўқиган 16-мактабдамиз. Эски, шувоқлари кўчган, кўримсиз бинога кириб борамиз. Болалар қўлида сувли челак, латта. Улар мактабга билим олиш учун келган. Худди шу мактаб кийимида машғулот тинглашади, шу усти-бош билан овқатланишади, сўнг... мактаб биносининг кир, ифлос йўлакларини, хоналарини тозалашади. Рўпарадаги шиорга кўзимиз тушади: «Бир соатлик яхши дарс йирик бир асардир». Қишлоқдаги 16- ва бошқа мактабларнинг ҳаёти билан танишгач, ўқитувчилар суҳбатида бўлгач, йигит-қизларнинг билим савияси қай даражада эканини ҳис этгач, бу шиорнинг қадр-қиммати йўқолди. У шунчаки бир гап экани аён бўлди. Ҳа, афсуски, шундай эди. Ўтган йили қишлоқдаги 15 мактабни битирган ўқувчиларнинг бирортаси ҳам олий ўқув юртларига ўқишга киролмай қайтиб келишди. Уларнинг баъзиларигина техникумларда ўқишяпти, баъзилари тўқимачилик комбинатига ишга киришди. Қолганлари-чи? Бу билан ҳеч ким қизиққани йўқ. 16-мактаб директори, қишлоқ хотин-қизлар советининг аъзоси Офелияхон Аббосхонованинг суҳбатидамиз.

— Ўтган йили мактабни 45 нафар ўқувчи битирди,— дейди у. — Фақат биттагина ўқувчи Андижондаги медицина институтига кирди, холос. Қолганлари колхозда ишлаяпти.

Тўғри, колхозга ҳам ишчи кучи керак. Лекин етуклик аттестати олган ўқувчининг шу колхозга оддий ишчи эмас, малакали мутахассис бўлиб қайтиши яхшироқ, муҳимроқ эмасми. Нега шундай бўлмаяпти? Бу ҳақда ким қайғуради? Колхозчининг фарзанди билим олиши керак эмасми? Улар фақат дала учун туғилмайдику, ахир!

— Бизда дала, пахтазор уйимизнинг, мактабимизнинг остонасидан бошланади, — дейди мактаб директори. — Тўғри, дала бизнинг ризқу рўзимиз, обрў-иқтидоримиз. Лекин пахта дегани катталарнинггина эмас, мактаб партасидаги ўқувчиларнинг ҳам асосий ишига айланиб қоляпти. Болалар мактаб машғулотларигача ҳам, машғулотдан сўнг ҳам, таътил чоғларида ҳам далада... Китоб-дафтар варақлашга вақти қолмаяпти уларнинг.

Мундоқ олиб қараганда, пахтанинг энг оғир юки мактаб ўқувчилари зиммасига тушяпти. Чопиқда, яганада, чеканкада, теримда, энг сўнгги чаноқлар қолгунча қишлоқ ўқувчилари далада. Шундай бўлгач, уларнинг давомати, билим савияси қандай эканини билиш қийин эмас?

Қишлоқ мактабларида шароит қандай?

— Бизнинг мактабга чиқадиган йўл айниқса, оғир, — дейди 16-мактаб директори давом этиб. — Бу қандай азобки, лойга ботиб келган болалар соатлаб уст-бошларини тозалайди. Кошки сув бўлса?! Сув ҳам ҳисобли. Бу йўлдан болалар тугул, катталар ҳам юришга қийналади. Мактабнинг 450 боласи лой кечиб дарсга қатнайди. Шу ҳолда боланинг мактабда ўқишга ҳаваси ортадими? Албатта, йўқ. Майишган, чакка томиб турган бундай мактабларда «мактаб ислоҳоти» ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Шароитнинг йўқлиги туфайли мактабда тайёрлов группасини очолмаяпмиз, 6 ёшлилар мактабга тортилмаган, улар уйда билим олишдан ҳам, боғча тарбиясидан ҳам маҳрум.

Дарсга қатнайдиган болаларнинг спорт залларига қатнагиси келмайдими? Келади. Бироқ қани, ўша спорт заллари! Оддий кино театр тугул клуб, кутубхона йўқ, ахир! Мактаб—дала, дала—мактаб. Бу зерикарли эмасми? Лангар қишлоғидан ариқ ўтади.

— Бу сув қаёқдан келади? — сўраймиз.

— Ҳувайдодан келади,— дейишди. — Пахта далаларидан ўтиб келади. Далаларнинг турли-туман химикатли сув оқавалари шу ариққа тушади. Қишлоқда водопровод йўқ, газ йўқ. Ҳаммом йўқ, поликлиника йўқ, туғуруқхона, касалхона йўқ. Нима бор ўзи?! Лангар қишлоғидаги 2539 аҳолига битта медпункт бор, холос. Медпунктда врач йўқ, биттагина штатга биттагина ҳамшира бириктилган. Мана, ҳамшира Файзихон Пўлатованинг ҳикояси:

— Қишлоқда 117 та бир ёшгача, 600 та 6 ёшгача бўлган болалар бор. Бирорта ҳам боғча йўқ. Болалар уйда, демак, оналар ҳам ишга чиқолмайди.

— Кун бўйи болалар нима қилишади?

— Қишда сандал атрофида ғуж бўлиб ўтиришади, ёзда чанг-тупроқ кўчаларда ўйнашади. Болалар ўртасида касалликлар кўп. Тиф касали ҳам бор. Ўлим кўп. Аёллар учун консультациялар, туғуруқхона йўқлигидан улар Водилга боришга мажбур. Бу биттагина қишлоқдаги аҳвол. Хўш, район бўйича қандай? Фарғона райони бўйича 23000 га яқин бола бор. Шундан 8 мингга яқини боғчада, қолган 15 минг бола уйда. Боғчага тортилган болалар сони 3590 ни ташкил қилади, холос. 1986 йилда сариқ касаллиги билан оғриган болалар сони 180 та бўлса, 1987 йилга келиб 200 тага етди. Бу — ўша ариқдан ичилган оқава сувларнинг оқибати. Бу баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари таъминоти ёмонлигининг оқибати.

Мана, Гулчеҳра ўсган хонадон. Ҳовлига оёқ босиб бўлмайди, лой. Торгина хона, ўртада сандал. Сандал атрофида 3—6—13 ёшли болаларга дарс тайёрлаш учун шароит йўқ. Оиланинг саккиз фарзанди бир уйда. Мана, Чимён қишлоқ Совети раиси муовини Марҳамат Фозилованинг ҳикояси: Лангар қишлоғида ҳанузгача эскича урф-одатларни йўқ қилолмаяпмиз. Ўғил тўйига етти маҳалла одамни йиғишлар ҳамон давом этяпти. Боғча йўқлигидан кўпгина ёш оналар ишга чиқолмайди. Яқинда ғалати воқеа бўлди. Бир неча ёш оналар болалари солинган ғилдиракли аравачаларни идоранинг эшиги ёнига қатор қилиб қўйиб кетишибди... «Боғча қуриб бермасангиз, буларни ўзингиз боқинг» деган ишни қилишибди... Қишлоқ Советининг папкасида ариза-шикоятлар анчагина. Кўпи ажралиш ҳақида.

УМИД БИЛАН қурилган оилалар кўпинча эскича одатлар туфайли барбод бўляпти. Бухажал Мадалиева Гулшан қишлоғида мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлайди. Эри — Мўмин Мадалиев ҳозир бошқа шаҳарга кетиб қолган. Онаси Қундузхон опа жуда катта қарз эвазига тўй қилиб ўғлини уйлантирди. Тўйдан кейин қарзни узиш қийинлигидан оилада можаро чиқди. Йигит охири безор бўлиб уйдан кетиб қолди.

— Сизнингча бу каби нохуш воқеаларнинг сабаби нимада?

— Бахтсизликнинг сабабчиси ҳар хил бўлади. Бу воқеаларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашмоқ керак. Лекин умумий томони ҳам бор. Бу қишлоқда турмуш маданияти, қишлоқ одамининг савиясига бориб тақалади, албатта.

Садди қишлоғида яшовчи медицина ҳамшираси Муҳайё Сирожиддинованинг тўрт фарзанди етим қолди. Унинг оиласини ичкилик деган касофат емирди. Ичкилик ичиб келган эр уни калтаклади. Сўнг эр билан хотин аччиқ устида бир-бирига керосин сепишди. Гугурт чақилди. Иккиси ёнди. Эр ўзини қутқарди, хотин касалхонага тушди. Умри битди. Қорлар эриди, излар босилди. Ҳеч кимса садо бермади, ҳеч кимса гуноҳкорман, демади. Муҳайё энди йўқ. Турмуш ўртоғи эса аллақачон уйланиб олган. Муҳайёнинг ота-онаси етим қолган тўрт гўдакни ўйлади. Куёвининг бевафолигини кечирди.

Қишлоқ аёлининг бир кунлик ҳаётини олиб кўрайлик. Унинг ҳаётдаги ўрни, бурчи, ҳуқуқи нимадан иборат! У саҳар туради, сигир соғади, тандирда нон ёпади, боғчага югуради, сўнг далага ёки ишга. Кечқурун яна сигир соғиш, овқат қилиши, кир ювиши керак. Хўш, эркакларчи? Эркаклар кўмакка келса бўлмайдими? Аёлни калтаклашга кўтарилган қўл, унга кўмаклашишга узатилса бўлмайдими? Ёзда далага чиққан ҳам аёл, кетмон чопиқ қилган ҳам аёл. Икки тол оралиғидаги осма беланчакдаги болага қараган ҳам аёл. Эркаклар эса эгатлар орасида кўринмайди. Оилада, рўзғор ишларида ҳам ҳамма оғирлик аёллар елкасида. Муҳайёни нобуд қилган ҳам ана шу тенгсизлик эди. Ичкарининг беъмани қонун-қоидалари, бидъатлари унинг иродасини букди. У ўзича эрини тартибга чақирди, «ичманг» деб зорланди. Лекин эркак кишига буюролмади, талаб қилолмади. Зорланди, холос. Ичкилик қора ишини қилди. Яна андиша ўртага тушди. Тўрт боланинг тақдири нима бўлади, деган андиша туфайли қора қилмиш кечирилди. Ким билади. Арақ тутган қўллар иккинчи оилага ҳам кўтарилмаса, маломат келтирмаса яхши эди.

Муқаддасхон Зокирова ҳам Садди қишлоғидан. У чеварликка ўқиган. Турмушга чиққач, оилада жанжал бошланди. Қайнонаси унга ишламайсиз, деб буюрди. Муқаддас ўз ҳунарини севарди. Одамлар орасида бўлиш, жамиятга бирор фойда келтириш гуноҳми? — деб ўйлади у ва ишини ташлади.

— Қорнимда ҳомилам билан мени ҳайдадилар, —дейди жувон. — Касалхонага тушдим. Ҳеч кимса мендан хабар олмади. Бунга ҳам чидадим, касалхонадан чиқиб уйга бордим. «Ўзи кетар ёр-ёр — ўзи келар ёр-ёр» деб масхара қилди қайнонам ва мени яна ҳайдади. Ота-онамникига бориб ўтирдим. Яна ҳеч ким хабар олмади. Қишлоқ йигитларида шундай ғурур бўлади. Улар хотиннинг орқасидан боришмайди, ялинишмайди. Агар шундай қилишса борми, қишлоқда «дув-дув» гап бўлади. Фалончи хотин кишининг оёғи остига ўзини ташлабди, ўл номард, деган гап тарқалади. Қишлоқ йигити учун хотинни асрашдан ҳам кўра, ғурурни асраш афзалроқ.

Дарвоқе, қишлоқ одамининг савияси... Қишлоқнинг истиқболи, порлоқ келажаги ҳам шу бугунги ёшларнинг қўлида эмасми. Аввало, қишлоқ шароити ҳақида ўйлаш жоиз. Одамлар хуторда яшаса қандай қилиб маданият ҳақида ўйласин. Уларнинг қишлоқнинг торгина сўқмоқлари доирасидаги торгина тушунчаларини кенг олам билан боғламоқ, бойитмоқ учун кўприклар керак. Радио, телевизор, телефон, кенг равон йўллар керак. Шу кенг йўллардан пахта билан бирга қишлоқ одамининг орзу-армонлари ҳам кенг манзилларга чиқсин.

Наздимда, бу орзуларнинг ушалиши учун, умуман қишлоқларнинг юксак турмуш маданияти учун ҳали очилмаган қўриқларни очишга тўғри келади. Қишлоқнинг турмуш маданиятини маънавий баркамол ёшлар яратади, албатта. Хўш, ҳар йили олий ўқув юртларини тамомлаб қишлоғига қайтаётган йигит-қизлар қани? Улар нима иш қилишяпти. Аввало, уларнинг кўпи шаҳарда қолиб кетяпти. Қишлоғига ўқитувчи, агроном, рассом, врач бўлиб қайтганлари ҳам бор. Уларнинг кўпи ўз мутахассислиги бўйича иш тополмайди. Йиллар ўтиб уларнинг маънавий дунёсида ягона бўлиб диплом қолади, холос. Улар қишлоқда маданий турмушнинг тарғиботчилари бўлиш ўрнига, ўзлари эскича турмуш шароитига кўникиб кетадилар. Баъзи қишлоқ клублари бурчагида чанг босиб ётган пианиноларга кўзимиз тушади. Нега шундай? Чунки уни чалувчи йўқ, бу ҳақда ким ўйлайди?

«Жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари — давлатнинг иноми эмас, кимнингдир хайр-эҳсони эмас, — дейилади XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларида. — Булар социализмнинг таркибий хусусияти, унинг ғалабасидир. Биз шахснинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлашни истаймиз, бунинг учун эса иқтисодий ва социал шароитларни тегишли равишда ўзгартириш зарур. Меҳнат шароитларини яхшилаш, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш сифатини кўтариш, меҳнаткашларнинг социал таъминоти даражасини кўтариш вазифаси турибди...».

Мамлакатимизда ветеранлар кенгашларининг роли тобора ошиб боряпти. Уларнинг доно фикрларига таяниб кўп чигалликларни ҳал қилса бўлади. Жойларда ветеранлар, ижрокомлар, қишлоқ Советлари, мактаб коллективлари катта куч-ку! Нега уларни жалб қилиш мумкин эмас. Қаерда хотин-қизларнинг конституцион ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётган экан, демак ўша ерда совет ва жамоат ташкилотларининг иши яхши йўлга қўйилмаган. Улар ишини қайта қуриш керак.

Ёшларнинг ўзи-чи? Нега улар бу қадар пассив, ўз тақдирига лоқайд. Агар ёшлар она қишлоғини, далаларини севса, унинг камоли учун ҳам курашади, албатта. Колхоз клублари бурчагида пианинолар чанг босиб ётмаслиги, мактаб томларидан чакка ўтмаслиги, одамлар маданий ҳаёт кечириши учун курашади. Бунинг учун она тупроқни жондан севиш керак. Бунинг учун ўзига хос мағрурлик керак.

Гулчеҳрадай тенгдошларининг бевақт ва беъмано ўлиб кетмаслиги учун кураша билиш мағрурлиги бу.

Шу ўринда оиласини ташлаб кетишга тайёр турган, кўнгилсиз воқеаларга ҳозирлик кўраётган аёллар бор бўлса, уларга айтадиган сўзимиз бор: дугоналар Сиз ҳуқуқ ва имтиёзларингизни билиб қўйинг. Ўз ёғингизга ўзингиз қоврилманг, совет ташкилотларига мурожаат қилинг. Сизнинг тақдирингиз учун фақат оила эмас, халқ, инсонпарвар партиямиз ғамхўрлик қилади.

Эътибор ОХУНОВА.

• Спорт

Анголалик меҳмонлар

Яқинда республикамизда Ангола Халқ Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат секретари Руй Мингаш бошчилигидаги шу мамлакат делегацияси меҳмон бўлди.

Меҳмонлар республикамиз пойтахтидаги стадионлар, теннис кортлари, залларни, бошқа ихтисослаштирилган иншоотларни кўздан кечирдилар. Тренерлар спорт педагоглари билан учрашдилар. Улар бу жойларда оммавий равишда машғулотлар ўтказилиши учун ҳам, юқори классли спортчилар тайёрлаш учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилганлигини таъкидладилар.

Республикамизда барча ёшдаги кишиларни — болалар боғчасидан тортиб саломатлик группаларигача — ҳаммасини ўзига қамраб олувчи жисмоний-тарбия системаси йўлга қўйилганлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ангола ва совет спортчиларининг учрашувларида томонлар Ангола ва Ўзбекистон спортчилари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларига алоҳида эътибор бердилар. Бунда ўзаро бир-бирларига қилинадиган визитлар, тренерларни айирбошлаш, йирик мусобақаларга биргаликда тайёргарлик кўриш кўзда тутилмоқда.

Оролга сафар

Қорақалпоғистон АССРда «Инсон ва саҳро» деб аталмиш спорт-илмий экспедицияси финишга етди. Экспедицияни Қозоғистон география жамияти уюштирган эди. Олмаота, Қарағанда ва Челябинск областларидан келган етти азамат Аральск шаҳридан стартга чиқди. Улар 25 кун мобайнида пиёда 620 километр масофани босиб ўтдилар. Бу саҳро марафонида йўлнинг учдан бирини Орол денгизининг қуриб қолган ерларидан босиб ўтишга тўғри келди. Ҳаётда ва спортда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, регионлардаги экологик муҳитни ўрганиш — экспедиция аъзоларининг мақсади эди.

Бу экспедициядан биринчи навбатда Қорақалпоғистон олимлари манфаатдор бўлишлари керак эди. Афсуски, улар меҳмонлар билан яқиндан ҳамкорлик қила билмадилар.

Қисқа сатрларда

● Шахмат бўйича СССР чемпионатининг 11-тур учрашувлари бугун бошланади. Ҳозирча 6,5 очко билан Каспаров, Карпов, Беляевский ва Саловлар пешқадамлик қилишмоқда. Валерий Саловнинг кечиктирилган яна битта ўйини бор.

● Кеча футбол бўйича мамлакат биринчилигининг ўн саккизинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ундан аввал эса «Спартак» ва «Нефтчи» командалари ўртасида ўтказилган учрашувда москваликлар 2:0 ҳисобида ғолиб чиқишди.

● Бутуниттифоқ II ўсмирлар турнири давом этмоқда. Республикамиз вакиллари шу кунгача 23 та медални қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СПОРТ ЙЎНАЛИШИДАГИ РЕСПУБЛИКА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ

1988-1989 ўқув йили учун

таълим ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган 7-8-синфларга

КОНКУРС ЙЎЛИ БИЛАН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Конкурс кўригида қатнашишга 6-7-синфларни битирган, ўзлаштириши яхши бўлган, болалар-ўсмирлар спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган ва спортнинг академик қайиқ ҳайдаш, байдарка ва каноэ ҳайдаш, эркин кураш, бокс, ўқ отиш турлари бўйича ўз маҳоратини оширишни хоҳлаган мактаб ўқувчилари қўйилади.

ТАЪЛИМ 7-СИНФДАН 11-СИНФГАЧА ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Интернат ўқувчилари тўла ва ўрта маълумот билан бир каторда спорт тури бўйича тренерлик ўрта махсус маълумоти ҳам оладилар.

Қабул қилиш имтиҳонлари интернат базасида 25-31 августда ўтказилади.

Конкурсда қатнашувчи саломатлиги тўғрисидаги медицина справкаси, спорт кийими, малака билетини ҳам олиб келиши керак.

Интернат адреси: Самарқанд шаҳри, Самарқанд райони; Тойлоқ посёлкаси («Тойлоқ-Раваноқ» автобуси). Телефон: 5-49-36.

56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

йигирувчи, тўқувчи, калаваловчи, хом ип тайёрловчи, ип эшувчи, тароқловчи, ўровчи касблари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

Ўқишга 8—10 синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даврида 3 йил таълим оладиган ўқувчилар бепул иссиқ овқат, кийим-бош; 10-синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва база корхона ҳисобидан қўшимча 40 сўм устама ҳақ билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

3 йил таълим олган ўқувчилар билим юртини тугатгач касб ўрганиб чиқиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар, билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга техникумлар ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юрти ўз ётоқхонасига, спорт комплексларига эга, техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларни ишлаб турибди.

Билим юртига ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика, яшаш жойидан справка.

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача қабул қилинади.



МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Адрес: 700198, Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви, 5«Б» квартали, 51-уй (37э, 45, 55, 104, 111-автобуслар; 26-трамвай; 11, 30, 31-маршрутли автобусларнинг «Диспетчерская» бекати).

Телефонлар: 90-61-11, 90-19-81, 90-60-09, 90-62-24.

2-«УЗСЕЛЬЭЛЕКТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ

трест бошқарувчиси лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий энергетика маълумоти ва электр тармоғи объектлари қурилишида камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган мутахассислар қатнаша оладилар.

Конкурсда иштирок этиш учун конкурс комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, иш жойидан характеристика, ариза.

Конкурсга ҳужжатларни топшириш муддати — 10 сентябргача.

Адрес: 703058, Самарқанд шаҳри, Миршарапов кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 6-55-68, 6-56-21, 6-22-66

●

ТОШКЕНТ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ФУРНИТУРА-ПЛАСТМАССА ЗАВОДИ **«ЛИАЗ-677» автобусини** (яхши ҳолатда) **«КАВЗ-695» ёки «ПАЗ-672» автобусига АЛМАШТИРАДИ.**

Мурожаат учун адрес: 700070, Тошкент шаҳри, Леваневский кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 55-52-73, 55-37-48.

Театр

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 10/VIII да **«Келинлар қўзғолони»** (19.00); 11/VIII да **«Сўнаётган юлдузлар»** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА. **Янги программа. «ИНТЕРЦИРК-88» гастроллари** (9, 10, 11/VIII да (19.30).

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси СССР Журналистлар союзи аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер У. Е. Иброҳимовга акаси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Назрулла ЁҚУБОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети ва Совет тинчлик фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети раисининг биринчи ўринбосари Ю. К. Юсувалиевга онаси

Турсуной ЮСУВАЛИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти давлат комитети коллегияси, партия комитети, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Тошкент шаҳар моддий-техника таъминоти территориал бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Одилхўжа Бўриевич ХОЛХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

• Тингланг, томоша қилинг

10 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 7-серия «Машаққатли йиллар». 8-серия «Самовий Аида». 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Салом, музика! 17.40 — Тюмень телевидение студиясининг программаси. 18.05 — «Артек»даги Бутуниттифоқ пионерлар сбори қатнашчилари учрашуви. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.10 —Дунё воқеалари. 19.30 — Сиз яратган боғ. 20.00 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 20.15 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 8-серия «Самовий Аида». 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.45 — Фидойи шахслар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — «Забайкалье» жилолари ансамблининг концерти. 10.00— Илмий-оммабоп фильм. 10.25— Немис тили. 10.55 — Цирк. 11.45 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.50 — Горький саҳнасида совет балети. 12.15 — Болалар учун фильм. 13.20 —Немис тили. 13.50 — Табиат билан ҳамжиҳатликда. 14.35 — Янгиликлар. 14.45 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 10-серия. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 19.30 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Агар соғлом бўлай десанг. 21.00 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Жонли планета. 23.10 — Янгиликлар. 23.15 — Волейбол. Халқаро турнир.

ЎзТВ.I. 14.50 «Майор Бўрон». Бадиий фильм. 1- ва 2-серийлар. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Қувноқ стартлар. 19.15 — ВЛКСМ 70 йиллигига. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.15 — Долзарб интервью. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси белгилаб берган йўлдан.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Бизга мактуб йўллабсиз. 9.30 — «Садо» вокал чолғу ансамблининг концерти. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 10.15 — Хўжалик ҳисоби: тажриба, муаммолар, ечимлар. 10.40 — Қармоқ. 11.15—Юность. 12.10— Узбекистан индустриальний. 12.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 12.50 —Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30— Г. Белов куйлайди. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30—«Гулхан» журнали саҳифаларида. 15.50—XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларини ўрганамиз. 16.00 —Қизил! Сариқ! Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30—Романслар. 19.20—Аланга. 19.40—Партия комитети ва қайта қуриш. 20.15—Талабаларга биноан концерт. 21.00 — Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 21.20 —Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45—Музикали ҳаёт янгиликлари.

Р — 10894. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 182. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12